VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

17 (449) ● 2017 йил 26 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

2017-2021 ЙИЛЛАРДА КЎП ХОНАДОНЛИ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САҚЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолатини тубдан яхшилаш ва ундан тегишли равишда фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини ташкил этиш даражасини янада оширишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш, кўп хонадонли уй-жой фондининг уй ичидаги муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиладиган жойларни ўз вақтида ва сифатли таъмирлаш, шунингдек, кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни болалар ва спорт майдончалари ташкил этган ҳолда, ободонлаштиришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш бозорини ривожлантириш имконини берадиган уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришнинг таъсирчан вертикал тизимини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

уй-жой коммунал соҳа ташкилотлари, айниқса, таъмирлаш-тиклаш хизматларининг моддий-техник базасини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва малакали мутахассислар билан таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) тасдиқлансин ва унда қуйидагилар кўзда тутилсин:

2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондининг умумий фойдаланиладиган жойларини мукаммал ва жорий таъмирлаш параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондининг лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш параметрлари 3-иловага мувофиқ;

кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш тизимини такомиллаштиришга доир комплекс тадбирлар 4-иловага мувофиқ.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарлари тасдиқланган Дастурнинг белгиланган муддатларда қатъий бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

➜ 2

Муносабат

МАНГУ НАЗМ ГУЛШАНИ

Миллатнинг обрў-эътибори унинг адабиёти билан ҳам ўлчанади. Бундан бир аср аввал маърифатпарвар бобомиз Ашурали Зоҳидий айтганидек, "адабиёт — бу ҳаёт-мамот масаласи"дир. Бу фикрни атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор давом эттириб, "адабиёт атомдан кучли", деган эди. Дарҳақиқат, сўз илоҳий ҳодиса, илоҳий қудратга эга: у инсонни ҳаракатга келтиради, қалбларни поклайди, комиллик сари етаклайди. Китоб ўқилмаган кун бехуда ўтган кундир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши мамлакатимизда китобхонлик маданиятини ғоят долзарб, кечиктириб бўлмайдиган давлат сиёсати даражасидаги масала сифатида кун тартибига қўйди. Шу йилнинг 18 апрелидаги "Алишер Навоий миллий боғида Адиблар хиёбонини ташкил этиш тўғрисида"ги Президент қарори эса мазкур ҳужжатнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу қарорни ўқиб, ўзимни хаёлан Миллий боғда — Адиблар хиёбонида тасаввур қилдим. Хиёбонда бир-бирларини хушвақтлик билан мушоирага чорлаётган адабиётимизнинг буюк дарғалари Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипову Муҳаммад Юсуф, Зулфияхониму Саида Зуннунованинг нафаслари, салмоқли, ўктам, назокатли овозларини эшиттандай бўлдим. Уларнинг овозларидан юрагимга мунаввaрлик оқиб кирди. Теран нигоҳларида шу озод, дориломон юртдан, авлодлардан ризолик, сўз қудратидек илоҳий дуолар таралаётганини юрак-юракдан ҳис этдим.

Ҳар бир ижодкор қаламини ўткир, қудратли қиладиган, унга илҳом, парвоз бағишлайдиган мазкур қарор замирида адабиётимизнинг халқимиз, айниқса, ёшларни шу юртнинг чинакам ватанпарварлари этиб тарбиялашдаги ўрнини тобора юксакка кўтариш, буюк бобокалонимиз Алишер Навоий номидаги боғни янада кўркам, мўътабар маскан, қадамжога айлантириш вазифаси мужассам. Шу билан бирга, ўзбек адабиётини ривожлантириш, дунёга олиб чиқиш, уни юксалтираётган, поклиги, шавкатини сақлаётган шоиру адибларга юксак эҳтиром кўрсатиш, эзозлаш, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини такомиллатириш, моддий-техник шароитини яхшилашдек ғоят юксак мақсад турибди.

➜ 3

Миллий гурур

Мамлакатимизда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир, салоҳиятли кадрлар тайёрлаш учун барча шароит яратилган. Ёшларни илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитиш, замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, ижодий тафаккур ва кашфиётчилик қобилиятини ривожлантириш, ёш иқтидорларнинг илмий-техник, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таълим, илм-фан ҳамда ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлашга хизмат қилаётир.

САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

➜ 6

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ЭЪЗОЗУ ЭЪТИБОРДАН МУНАВВАР ДИЛЛАР

...Бизнинг ёшлик давримиз ниҳоятда оғир, машаққатли, синовли йилларга тўғри келди. Урушнинг инсоният бошига солган офатларини ўз кўзимиз билан кўрдик, азобларини бошимиздан кечирдик. 1941 йилнинг 14 май куни 19 ёшимда урушга кетганман. Унгача қуролни ишлатиш тугул ушлаб ҳам кўрмаганман. Уруш ўз номи билан уруш экан, қанчадан-қанча ўғлонларни бу дунёдан бевақт олиб кетди. Ўзим ҳам бир неча бор яраланиб, госпиталларда даволаниб чиқдим. Ўша пайтларни эсга олгим келмайди...

Бу — Самарқанд вилояти Пайариқ тумандаги Эшонхўжа қишлоғида яшовчи 95 ёшли отахон, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тошпўлат Жонузоқовнинг сўзлари.

Тошпўлат ота урушдан қайтгач, узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилди. Турмуш ўртоғи Рухсат момо билан бир ўғил, беш қизни тарбиялаб, вояга етказди. Ҳозир йигирма тўрт набира, ўттиз олти чеварасининг камолидан мамнун. Улар турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

➜ 5

Ташаббус натижа берди

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, бу борада жамоатчилик назоратини амалга ошириш — бугунги куннинг энг муҳим вазифасига айланган. Шу боис партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари тиббиётнинг бугунги ҳолатига бефарқ бўлмаслик, мавжуд муаммоларни ўрганиш, одамлар тиббиёт муассасаларига эмас, балки улар одамларга яқинлашиши керак, деган ҳаётий таомилни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратаётир.

ОДАМЛАР ТИББИЙ ХИЗМАТДАН РОЗИ БЎЛСИН

ЎзМТДП ГУРУҲИ УШБУ МАСАЛАНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФОРИШ ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ МУҲОКАМАСИГА ОЛИБ ЧИҚДИ

Халқ депутатлари Фориш туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳудудда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ этишга кўмаклашиш, соҳада депутатлар ва жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш ҳамда туманда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш ва янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалаларни сессия муҳокамасига олиб чиқди.

➜ 4

Ушбу сонда:

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА ЎЗИМИЗ МАСЪУЛМИЗ ➜ 6-бет

МУҲТАШАМ ЎЙИНГОҲ
ТОМИ 520 ТОННА БЎЛИБ, 18 СОНИЯДА ОЧИЛИБ-ЁПИЛАДИ 7-бет

ТЎРТ УНСУР-ЛА СИРЛАШИБ...

➜ 8-бет

" MILLIY TIKLANISH "

— мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

2017-2021 ЙИЛЛАРДА КЎП ХОНАДОНЛИ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САҚЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

3. Қуйидагилар Дастурни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

кўп хонадонли уй-жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш — тижорат банклари кредитлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг махсус банк ҳисобварақларида алоҳида тўпланадиган ўз маблағлари;

кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, шу жумладан, йил бошидаги қолдиқ бўш маблағлар ва I-III чорак якунлари бўйича ортиғи билан бажарилган даромад қисми, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

кўп хонадонли уй-жой фондининг лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш — хусусий уй-жой мулкдорларининг ўз маблағлари, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари, халқаро молия институтлари кредитлари, шунингдек, лизинг ҳисобидан.

4. Дастурни амалга ошириш доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг "Кўп хонадонли уйлар, иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" давлат унитар корхонаси — буюртмачи;

"ТошуйжойЛИТИ" АЖ — бош лойиҳа ташкилоти;

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ — уй-жой коммунал соҳа ташкилотларини молиялаштиришни таъминлайдиган ваколатли банк;

"РИЛК "Қурилишмашлизинг" АЖ — уй-жой коммунал хизматлар кўрсатадиган ташкилотларни зарур техника ва таъмирлаш-қурилиш ускуналари билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган лизинг компанияси этиб белгилансин.

5. Тижорат банкларига "Таъмирлаш-тиклаш хизмати" ДУК ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига мазкур қарор билан тасдикланган Дастурни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган ставка бўйича 5 йил муддатга имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

тижорат банклари билан биргаликда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш-тиклаш ва унга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ишлари учун аввал ажратилган кредитларини қарз олувчиларнинг аризаларига биноан 5 йил муддатга узайтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда уй-жой коммунал хўжалиги корхона ва ташкилотларининг ҳисобварақларида маблағ тўпланиши ва улардан фойдаланиш тартибини кўзда тутадиган низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига шартнома асосида бухгалтерлик ҳисобини юритиш, консалтинг хизматлар кўрсатиш ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан мажбурий бадаллар йиғиш хизматлари кўрсатадиган "Ягона ҳисоб-китоб маркази" ва унинг шаҳар ҳамда туманларда, зарур ҳолларда, туманлараро филиаллари ташкил этилсин.

Бунда "Ягона ҳисоб-китоб маркази"нинг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақлари:

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ филиалларида — банкнинг шаҳар ва туманлардаги мавжуд филиалларида;

бошқа тижорат банклари филиалларида — "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ филиаллари мавжуд бўлмаган ҳудудларда очилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари "Ягона ҳисоб-китоб марказлари" тегишли равишда фаолият кўрсатиши учун уларни хоналар билан таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан ҳамкорликда 2017 йилнинг 1 ноябригача кўп хонадонли уйларни, мулкчилик шаклидан қатъи назар, паспортлаштириш натижалари бўйича уларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантирсин ва уни мунтазам янгилаб боришни таъминласин;

2017 йилнинг 1 сентябрига қадар "Таъмирлаш-тиклаш хизмати" ДУКни Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва лизинг ҳисобидан "Таъмирлаш-тиклаш хизмати" ДУКнинг янгидан ташкил этиладиган шаҳар ва туман филиалларини 5-иловага мувофиқ махсус техника ва механизмларнинг намунавий рўйхати асосида махсус техника ҳамда механизмлар билан таъминласин;

кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш бўйича белгиланган норма ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, кўп хонадонли уй-жой фонди умумий мулкини ва унга туташ ҳудудларни сақлаш учун турар жой ҳамда нотурар жой бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари энг кам миқдорини ҳар йили тасдиқласин ва уларни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига етказсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

кўп хонадонли уй-жой фонди умумий мулки ва унга туташ ҳудудларни сақлаш учун турар жой ҳамда нотурар жой бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари миқдори хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ҳар йили тасдиқланадиган энг кам миқдордан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувининг раиси "Коммуналўқув" ўқув-услубий маркази" давлат унитар корхонасида ўқигани тўғрисида тегишли сертификатга эга бўлган тақдирда, туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда сайланади, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларининг умумий йиғилиши қарори асосида туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғининг тақдимномасига кўра лавозимидан озод этилади.

9. Кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) 6-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Дастурнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

кўп хонадонли уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари сифатини мониторинг қилиш;

кўп хонадонли уй-жойларни мавсумий фойдаланишга тайёрлашни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

республикамизнинг кўп хонадонли уй-жой фондига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг замонавий услубларини жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарларининг Дастур амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чорақда эшитиш;

Дастур параметрларига, зарур ҳолларда, асосланган ўзгартиш ва аниқликлар киритиш.

10. "Таъмирлаш-тиклаш хизмати" ДУК 2022 йилнинг 1 январигача:

барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган қурилиш техникаси, кичик механизация воситалари, материал ва ускуналар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Дастурни амалга ошириш доирасида бажариладиган лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишлари сифатининг, буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан тузилган шартномалар шартлари бажарилишининг давлат архитектура-қурилиш назоратини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги "Ўзқурилишматериаллари" АЖ, "Ўзметкомбинат" АЖ билан биргаликда навбатдаги йил учун моддий балансларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг асосланган талабномалари бўйича Дастурни амалга ошириш учун цемент ва металл прокатларини тўғридан-тўғри шартномалар ҳамда тартибга солинадиган нархлар асосида ўрнатилган тартибда ажратишни назарда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 24 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "2017-2021 ЙИЛЛАРДА КЎП ХОНАДОНЛИ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САҚЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА

ШАРҲ

Кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолатини тубдан яхшилаш ва ундан самарали фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш, шунингдек, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларда тозаликни сақлаш ва уларни ободонлаштириш бундай уйларда яшайдиган аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим ҳаётий омиллардан бири саналади.

Бугунги кунда мамлакатимизда таркибий ислоҳотларнинг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий базага таянган ҳолда изчил амалга оширилаётгани уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишнинг мутлақо янги тизимини ташкил этиш имконини бермоқда.

Кейинги 5 йилда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, кўп хонадонли уй-жой фондини капитал ва жорий таъмирлаш бўйича қабул қилинган қарорлар асосида кўп хонадонли уйларнинг томи, подвал иншоотлари, фасад, подъезд, лифт ва ирригация тармоқлари, шунингдек, йўлакларни бетонлаштириш ҳамда уй-жойлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларини ўз ичига олган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 4 мингдан зиёд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан 32,4 мингдан ортиқ кўп хонадонли уйга хизмат кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу тармоқда олиб борилаётган ишлар таҳлили хусусий уй-жой мулкдорларининг кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш борасидаги фаолиятида ҳал этилмаган қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишда жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасида комплекс ёндашув ҳамда ўзаро ҳамкорлик механизми шакллнмаганини қайд этиш зарур.

Кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш борасида таъсирчан назорат ўрнатилмаган, кўп ҳолларда ундан техник фойдаланиш ва аҳолининг хавфсиз яшашини таъминлаш борасидаги меъёр ва талаблар бузилишига йўл қўйилмоқда. Кўп хонадонли уйларда таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказишнинг қоида ва муддатларига риоя этилмаяпти, бу эса, табиийки, аҳолининг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолатини тубдан яхшилаш ва ундан оқилона фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини белгиланган муддатларда олиб бориш, шунингдек, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларни янада ободонлаштириш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида қабул қилинди.

Қарорда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини ташкил этишнинг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, улар қуйидагиларни назарда тутади:

аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, кўп хонадонли уйларда жойлашган хонадонлардаги муҳандислик-коммуникация тизими ва умумий тарзда фойдаланиладиган инфратузилмаларни ўз вақтида ва сифатли таъмирлаш, шунингдек, кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш, у ерларда болалар ва спорт майдончаларини барпо этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш бозорини ривожлантириш имконини берадиган уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришнинг таъсирчан вертикал тизимини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

уй-жой коммунал соҳа ташкилотлари, хусусан, таъмирлаш-тиклаш хизматларининг моддий-техник базасини яратиш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва малакали мутахассислар билан таъминлаш.

Қарорга мувофиқ, 2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури тасдиқланди. Ушбу Дастурда кўп хонадонли уй-жой фондининг умумий тарзда фойдаланиладиган инфратузилмаларини капитал ва жорий таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш, шунингдек, кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш тизимини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланди.

Қайд этилган лойиҳаларни амалга ошириш учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, халқаро молия институтлари кредитлари, шунингдек, лизинг ҳисобидан 1,8 триллион сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Мазкур Дастурни амалга оширишда "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки уй-жой коммунал соҳасига қарашли ташкилотларни молиялаштиришни таъминлайдиган ваколатли банк этиб белгиланди.

Дастурни амалга ошириш доирасида тижорат банкларига "Таъмирлаш-тиклаш хизмати" давлат унитар корхонаси ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилди.

Шунингдек, мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига шартнома асосида бухгалтерлик ҳисобини юритиш, консалтинг хизматлар кўрсатиш ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан мажбурий бадаллар йиғиш хизматларини кўрсатадиган "Ягона ҳисоб-китоб маркази" ва шаҳар ҳамда туманларда унинг филиалларини ташкил этиш назарда тутилган.

Қарор билан шундай тартиб ўрнатилмоқдаки, унга кўра:

кўп хонадонли уй-жой фонди умумий мулки ва унга туташ ҳудудларни сақлаш учун турар жой ва нотурар жой бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари миқдори Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳар йили тасдиқлайдиган энг кам миқдордан кам бўлмаган ҳажмда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан белгиланади;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувининг раиси "Коммуналўқув" ўқув-услубий маркази" давлат унитар корхонасида ўқигани тўғрисида тегишли сертификатга эга бўлган тақдирда, туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда сайланади, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларининг умумий йиғилиши қарори асосида туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғининг тақдимномасига кўра лавозимидан озод этилади.

Қарорнинг амалга оширилиши қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

биринчидан, бу қарор кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолатини ва ундан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланишни тубдан яхшилаш, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида ўтказиш;

иккинчидан, аҳолининг ривожланган инфратузилмага эга бўлган кўп хонадонли уй-жой фондида яшаши учун ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиш;

учинчидан, кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишда жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлайди.

МАНГУ НАЗМ ГУЛШАНИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Нафақат пойтахтда, балки мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида, масалан, Қашқадарёда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Андижонда Муҳаммад Юсуф, Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси ва боғлар барпо қилиниб, ҳайкаллари ўрнатилиши ҳамда Жиззахнинг Зомин туманида республика ёш ижодкорлари семинарини ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиши дил тубидаги орзуларимизнинг рўёбидир.

Президентимизнинг Марғилон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов номида боғ барпо этиш ва шоир ҳайкалини, унинг атрофига Фарғона заминидан чиққан ўттиз улуғ шоир ва санъаткорларнинг бюстларини ўрнатиш, Истеъдод мактабини ташкил этиш борасидаги ташаббуси халқимиз қалбида яшаётган адабиётимиз салафларига беқиёс эътибор ва уларни рози қилиш йўлидаги улуғ ва улкан ишдир.

Қарор замирида ҳаммамиз учун айни пайтда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш, ёшларимизни китобга ошно қилиш, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди.

"...Ёшларни китобга қайтариш керак. Китобсиз келажак йўқ!".

Давлатимиз раҳбарининг ушбу даъвати биз ижод аҳли қалбини ғоят тўлқинлантирмоқда. Дунёга кўз-кўзлашга арзигулик нафис, гўзал адабиётимиз бор. Қабул қилинган ҳужжат халқимизнинг бадиий тафаккурини юксалтириш баробарида адабиётимизни дунёга олиб чиқиш, нодир дурдоналаримизни жаҳон тилларига таржима қилиш борасида истиқбол эшикларини очади.

Президент қарорини ўқиб, у "Адабиёт яшаса, миллат яшайди!" деб ҳайқирган улуғ адиб орзуларини ҳаётбахш ҳақиқатга айлантирадиган ҳужжат эканига юракдан амин бўлдим. Биз ота-оналар, педагоглар, ижод аҳли ёшларнинг китобхонлигига, демак, келажагига масъулмиз, жавобгармиз.

Ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтиришда бадиий адабиётнинг ўрни беқиёс. Мадомики, шундай экан, уларнинг қалбини китобнинг қудратли, илоҳий мўъжизаси, мунаввар нурлари билан тарбиялайлик, покиза, биллур чашмаларига қондирайлик, шундагина уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга кўмаклашиш мақсад-вазифалари партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларимиз зиммасига катта масъулият юклайди.

Мутафаккирлардан бири "Адабиёт катта йўлга қўйилган улкан кўзгудир. Бу кўзгуда ҳар бир миллат ўз аксини кўриб туради", деган экан. Бу қарор адабиётимизнинг миллатнинг эртанги истиқболи, янги даври, буюк келажагини кўрсатиб туришига ёрқин кафолатдир.

Энахон СИДДИҚОВА,
халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан таълим соҳасини ислоҳ этишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар, жумладан, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида мамлакатимиз таълим тизимида муҳим ижобий янгиланишлар юз берди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишларнинг ҳам мантиқий давоми, ҳам уни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қарорнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, унда олий малакали мутахассислар тайёрлашда халқаро стандартлар мезонига риоя қилиш, унинг даражасида шарт-шароит яратиш, руҳи ва талабига мос замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бугунги куннинг талаби ва вазифаси. Чунки таълим муассасаларида фаолият юритаётган аксарият кадрларнинг илмий-педогогик салоҳияти, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни ўзлаштириши бугунги давр талаблари даражасида эмас. Бу, ўз навбатида, ривожланган мамлакатларнинг нуфузли таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро тажрибанинг илғор усул ва йўналишларини татбиқ этишда ғов бўлмоқда. Шунинг учун ҳам қарорда олий таълим тизимида ўқув жараёнига илғор халқаро тажрибани кенг жорий этиш, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси белгиланган.

Мамлакатимиздаги ҳар бир олий ўқув юртининг соҳавий турдош бўлган хорижий етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилиши, энг аввало, халқаро таълим стандартларига мос бўлган педагогик технологиялар, таълим дастурлари, ўқув-методик материаллар билан танишиш, уларни ўзимизда қўллаш имкониятини яратади. Илмий-педагогик фаолиятга ҳар йили 350 нафардан ортиқ хорижлик педагог ва олимларнинг жалб этилиши, ўз навбатида, таълим сифатини оширади, илмий фаолиятни мустаҳкамлайди.

Олий таълим тизимида замонавий кадрлар тайёрлаш янги авлод ўқув дарслик ва қўлланмаларини яратиш билан чамбарчас боғлиқ. Чунки ўқув-методик ва илмий адабиётлар янгича фикрлаш, дунё илмининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш ва шу даражада фикрлаш, янгиликлар, ихтиролар яратиш имконини туғдиради. Шу боис қарорда янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш масалалари ҳам эътиборга олинган. Бундай адабиётлар билан таъминланган ахборот-ресурс марказлари талабаларда ўз устида ишлаш, билимини ошириш, янги лойиҳалар тайёрлаш учун кенг имконият ва шароит яратади.

Қарорнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, олий ўқув юрти битирувчиларини PhD дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитилишини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Таълим тизимига хориж дастурларининг татбиқ этилиши, биринчи навбатда, таълим сифатининг ошишига сабаб бўлади, қолаверса, халқаро стандартларга мос мутахассислар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Битирувчилар олаётган дипломлар эквивалентлигини оширади, яъни хорижда ҳам тан олинади.

Қарорда олий таълим муассасаларида илм-фанни ривожлантириш, нафақат профессор-ўқитувчилар, балки талабаларнинг илмий жараёндаги иштирокини кучайтириш, моддий-техник база, ўқув-илмий лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасидаги вазифалар ҳам назарда тутилган. Энди талабалар, ўқитувчилар, тадқиқотчилар жаҳондаги илғор таълим ресурслари, илмий адабиётлар ва маълумотлар базаси бўйича электрон катологларга кириш имконига эга бўлади. Бу, ўз навбатида, дунё миқёсидаги илмий ишланмалардан хабардорлик даражасини оширади, илм билан шуғулланиши учун кенг шароит яратади.

Қарорда кадрлар тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш масаласига алоҳида урғу берилган. Олий ўқув юртида тайёрланаётган мутахассислар, уларнинг ихтисосликлари ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва соҳалар бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқишига асосланиши ва мақбуллаштирилиши зарурлиги белгилаб қўйилмоқда. Яъни, айнан бугунги меҳнат бозори талабига мос ихтисосликлар ташкил этилади. Шунингдек, бакалавриат ва магистратурага талабалар қабул қилиш 2021 йилгача 18 фоизгача кўпайтирилиб борилиши назарда тутилгани ҳам юртимиз ёшларининг билим олиши, мутахассис бўлиб етишиш имкониятини оширади.

Қарорда белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури ҳам тасдиқланган. Унга кўра, 48 олий ўқув юртида 180 та ўқув, илмий лаборатория биноси, спорт иншооти ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаси объектида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари кўзда тутилган. Шунингдек, 53 олий таълим муассасасида 400 ўқув лабораториясининг энг замонавий ускуналар билан жиҳозланиши, 7 олий ўқув юртида ҳамкорликда фойдаланиладиган илмий лабораториялар ташкил этилиши режалаштирилган. Уларни ҳаётга татбиқ этиш учун 1,7 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётгани бу борадаги ишлар кўлами нақадар кенглигидан ёрқин далолат беради.

Қарорда белгиланган олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, талаба-ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига миллий ва умуминсоний ғояларни сингдириш каби кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишлар олиб бориш борасидаги вазифалар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг. Партиямиз фракцияси ва ташкилотлари ушбу қарорда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ижросини таъминлашда кўмаклашади. Қолаверса, бу вазифа нафақат соҳа вакиллари, балки ҳар биримизнинг бурчимиз, таълим тараққиёти эса келажагимиз пойдеворидир.

Ўрол ҲАИТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Партия қабулхоналарида

МУРОЖААТЛАР ИЖОБАТ БЎЛМОҚДА

Аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топишнинг янги механизм ва самарали усулларини жорий этиш Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу гояси бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари қошидаги Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш сектори ҳам партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, аҳоли билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, уларни ўйлантираётган муаммо-масалаларни ижобий ҳал этиш билан шуғулланмоқда.

Буни ЎзМТДП Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг шу йўналишдаги фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Вилоятдаги партия ташкилотлари, энг аввало, халқ билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг дарду-ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларидан хабардор бўлишга, ҳар бир мурожаатни чуқур ўрганиб, уларни ўз вақтида бартараф этишга интилмоқда.

— Давлатимиз раҳбари асос солган халқ билан мулоқот, мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги тизим, Халқ қабулхоналари институти давлат ва халқ ўртасида очиқ мулоқотни таъминлаш, жойлардаги турли муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди ЎзМТДП Самарканд вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Ёрқин Оқбўтаев. — Партия ташкилотимиз ўз фаолиятида, энг аввало, халқ билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг дард-ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ўрганишга қаратмоқда. Аҳолидан келаётган ҳар бир ариза, шикоят ва таклифни чуқур ўрганиш, уларни ўз вақтида бартараф этиш ва ҳар бир мурожаат замирида инсон манфаати, унинг орзу-мақсадлари турганини англаш — фаолиятимиз асосини ташкил этмоқда. Шу кунга қадар партия вилоят ташкилоти ҳамда маҳаллий Кенгашларга фуқаролар томонидан келиб тушаётган мурожаатларнинг бирортасини ҳам эътибордан четда қолдирмай аксариятининг жойида ижобий ҳал этилишига эришаяпмиз. Депутатларимиз қўшимча ўрганиш ва вақт талаб қиладиганлари юзасидан тегишли ташкилотларнинг мутасадди раҳбарларига депутатлик сўрови юбормоқда.

Дарҳақиқат, бу жараёнда мурожаатларга самарали ечим топиш борасида муайян ишлар қилинган. Масалан, Оқдарё тумани "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Меҳрож Муҳиддинов турмуш шароитини яхшилаш, оиласи даромадини ошириш мақсадида чорвачилик билан шуғулланишни йўлга қўйиш учун партия туман кенгашига кўмак сўраб мурожаат қилди. Унинг таклифини партия туман кенгаши ўрганиб, масала ечими юзасидан "Агробанк"нинг туман бўлимига мурожаат қилди.

— Мурожаатим асосида партия ходимлари керакли йўл-йўриқ ва маслаҳатларини бериб, қорамол харид қилишим учун менга 3 йил муддатга, 9 фоизлик имтиёз билан 7 миллион сўм миқдорда микрокредит олишимга кўмак берди, — дейди Меҳрож Муҳиддинов. — Бу билан нафақат оилавий шароитимизни яхшилаш, балки тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали қўшимча даромад орттириш имконига эга бўлдик.

— Мутахассислигим бўйича бирор жойга ишга жойлашиш масаласида ЎзМТДП Пастдарғом туман кенгашидан амалий ёрдам сўраб, мурожаат қилдим, — дейди "Олтиқаҳрамон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Тоҳир Ўсаров. — Мурожаатим эътиборсиз қолмади. Партия туман кенгаши ва туман бандликка кўмаклашиш маркази кўмагида "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Пастдарғом туман бўлими жамоат фондига ишга жойлашдим. Бундан жуда хурсандман.

Юртимизда сўнгги йилларда транспорт воситалари сони кескин ортиб бормоқда. Бу эса аҳолига қулайликлар яратиш билан бир қаторда, кўчаларда ҳаракатланиш ва автомобиллар тўхтаб жойларида турли тартибсизликларни ҳам келтириб чиқараётир. ЎзМТДП Булунғур туман кенгашига шу масалада Булунғур шаҳарчасида яшовчи фуқаролардан мурожаат келиб тушди. Унда асосий кўча чорраҳасидаги светофорларнинг ишламаслиги, пиёдалар ўтиш жойидаги йўл чизиқлари ўчиб кетгани боис йўл транспорт ҳодисалари юзага келаётганлиги баён қилиниб, ушбу масалада партия фаолларидан, депутатлардан амалий ёрдам сўралган.

Партия Булунғур туман кенгаши ходимлари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Холбой Қосимов мурожаатни тегишли тартибда ўрганиб, туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Акмал Жумановга мазкур масала ечими юзасидан депутатлик сўрови юборди. Натижада қисқа вақт ичида ишламаётган светофорлар таъмирланди, асосий кўчаларнинг пиёдалар ўтиш жойларидаги чизиқлар қайта бўялди, шаҳарча кўчаларида транспорт ва пиёдалар ҳаракати тартибга солинди.

Аҳолидан тушаётган мурожаатларнинг аксарияти газ таъминотига оид. Мазкур масалани ўрганиш жараёнида ушбу муаммо аҳоли демографияси билан бевосита боғлиқ экани маълум бўлди. Масалан, бир неча йил аввал маълум ҳудуд аҳолисига мўлжаллаб тортилган газ қувурларидаги босим бугун хонадонлар сони кўпайиб бораётгани боис фуқароларнинг табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш имконини бермаяпти. Натижада аҳолидан суюлтирилган газ балони билан таъминлаш, айниқса, табиий газ етиб бормайдиган ҳудудларга суюлтирилган газ етказиб берилишини йўлга қўйиш борасида ҳам кўплаб мурожаатлар тушмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Тайлоқ туман кенгашига "Эскижума" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Толиб Маҳмудов суюлтирилган газ балонлари ўз вақтида етказиб берилмаётгани юзасидан мурожаат қилди. Партия туман кенгаши масалани зудлик билан ўрганиб, ижобий ҳал этди. Айни пайтда "Тайлоқтумангаз" корхонаси аҳолига суюлтирилган газ балонларини ўз вақтида етказиб бермоқда.

Мамлакатимизда халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратилиши, аҳоли қатламлари эҳтиёж ва муаммоларини ижобий ҳал этилиши ҳар бир фуқаронинг орзу-умидларига қанот бағишлайди. Ортиқча машаққат чекиб, овора бўлишнинг олдини олиш, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда инсон манфаати ҳар нарсадан устун қўйилгани, унинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланаётганидан далолатдир. Зеро, халқимиз ўз ҳаётидан рози бўлса, юртимиз янада фаровон бўлиб бораверади.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Муаммо ечим топди

ТАШВИШИМИЗ ОРТДА ҚОЛДИ

Мамлакатимизда йўлга қўйилган халқ билан мулоқот, оддий одамларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳаётий тизим бугун ўз натижаларини бермоқда. Айниқса, парламент аъзоларининг ҳудудлардаги аҳвол билан бевосита танишаётгани, мавжуд муаммоларни ўрганаётгани, энг асосийси уларнинг аксариятини ижобий ҳал этишга кўмаклашаётгани аҳолини мамнун этмоқда.

Қўнғирот тумани нафақат мамлакатимиз, балки Қорақалпоғистоннинг ҳам энг олис ҳудудида жойлашган. Бу ерда, айниқса, тоза ичимлик суви жуда катта муаммо. Шу боис давлатимиз раҳбари шу йилнинг 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида Қўнғирот-Мўйноқ ичимлик суви тармоғи қурилиши билан танишди. Ушбу сув тармоғи ишга туширилса, бир суткада 7 минг куб метр сув етказиб бериш ва 25 мингдан ортиқ аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имкони яратилишини эшитиб, барчамиз чин дилдан қувондик.

Сув — ҳаёт манбаи. Айниқса, бизнинг шароитда ундан унумли, тежаб-тергаб фойдаланиш, сувнинг ҳар томчисини асраб-авайлаб сарф этиш жуда муҳим. Бироқ биз истиқомат қилаётган "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Қўнғирот сув тармоқлари раҳбарияти бу масалага етарли аҳамият қаратмаётгани ажабланарли ҳол.

Келинг, ҳолат тафсилотини батафсил келтирайлик. Маҳалламиздан ўтувчи ичимлик суви қувурида носозлик рўй бериб, биз истиқомат қилаётган уй атрофи, томорқамизни сув босди. Устига-устак сув босган ҳудудда трансформатор ҳам жойлашган бўлиб, бирор кор-ҳол рўй бергудек бўлса, бутун маҳалламиз электр тармоғисиз қолиши ҳам мумкин эди. Бу бўйича тегишли мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилдик, афсуски, уларнинг бари эътиборсиз қолди.

Яхшики, бу ҳолат узоқ давом этмади. Парламент аъзолари билан учрашув чоғида ушбу масала бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳудудимиздан сайланган депутат, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Зумрад Бекатовага мурожаат қилдик. Депутат маҳаллий Кенгашлардаги халқ вакиллари билан бирга маҳалламизга келиб, вазиятни ўрганди. Шундан сўнг Қўнғирот сув тармоқлари корхонаси раҳбарига мазкур масалани ҳал этиш юзасидан мурожаат қилди ва барчамизни ташвишлантирган ушбу муаммо тезда бартараф этилди.

Президентимизнинг халқ билан мулоқот ўтказишни давлат органлари олдига энг муҳим вазифа сифатида қўяётгани кўплаб муаммоларимизни ҳал этишнинг ишончли йўли эканлигига тўла амин бўлдим. Шу маънода, депутатларнинг аҳоли билан яқиндан мулоқоти ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, кўлами, моҳият-эътиборидан қатъи назар, ҳаётимиздаги лоақал битта масалага жойида ечим топишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бундан биз жуда хурсандмиз.

Холбой ЖУМАМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғини

Ташаббус натижа берди

ОДАМЛАР ТИББИЙ ХИЗМАТДАН РОЗИ БЎЛСИН

ЎЗМТДП ГУРУҲИ УШБУ МАСАЛАНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФОРИШ ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ МУҲОКАМАСИГА ОЛИБ ЧИҚДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Сессияда туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори А.Бегиев туман соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ишлар юзасидан маълумот берди. Туманда истиқомат қилувчи 80 мингдан зиёд аҳолига бир марказий, иккита қишлоқ участка шифохонаси, ўндан зиёд қишлоқ врачлик пункти тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бугун бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш борасидаги чора-тадбирлардан келиб чиқиб, туман марказига яқин ҳудудларда жойлашган 13 қишлоқ врачлик пункти тугатилди ҳамда улар негизида бир неча кўп тармоқли поликлиника ва тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилмоқда. Фаолиятини давом эттираётган қишлоқ врачлик пунктларининг туну-кун ишлашини таъминлаш, уларга врачларни жалб этиш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишга эътибор қаратиляпти.

— Ушбу масалани сессия муҳокамасига олиб чиқишдан кўзланган асосий мақсад — аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, бу борадаги мавжуд муаммоларни атрофлича муҳокама қилиш ва ҳал этишдан иборат, — деди халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Гулноза Икромова. — Чунки давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари билан учрашувлари чоғида мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш, кўрсатилаётган тиббий хизматлардан одамлар рози бўлиши учун тизимни мутлақо ўзгартириш, бу борада парламент ва депутатлар назоратининг янги механизмини жорий этиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Ўрганиш давомида қишлоқ врачлик пунктларининг ҳудудий жойлашуви, иншоотларнинг ҳолати, моддий-техник базаси ва тиббий жиҳозлар билан таъминланганги, ходимлар малакаси, аҳолининг мурожаатлари, кўрсатилаётган хизмат сифати ва самарадорлигига эътибор қаратилди. Шу билан бирга, мазкур муассасалар томонидан патронаж тизимида амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилиш мақсадида хонадонлар ўрганилди ва бу борада йўл қўйилган камчиликлар аниқланди. Аҳоли қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятидан кўнгли тўлмаслиги, дори-дармон таъминоти ва хизматдан норозилиги, тиббий ходимларнинг ташрифи тартибга солинмаганини билдирди. Сессияда ўрганиш асносида аниқланган муаммоларни ўртага ташладик ва уларни соҳа мутахассислари, мутасаддилар ҳамда кенг жамоатчилик билан биргаликда ҳал этиш чораларини муҳокама қилдик.

Муаммоларнинг аксарияти кадрлар масаласи билан боғлиқ. Чунки бугун туман тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган олий тоифали шифокорларнинг асосий қисми нафақа ёшидаги мутахассислар. Бундан ташқари, шифохоналарда анестезиолог-реаниматолог, фтизиатр, акушер-гинеколог, терапевт, педиатр, ревматолог, гемотолог ва ренгенелог каби талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича мутахассислар етишмайди.

Бу эса ёшларнинг шифокорликка қизиқишини ошириш, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ҳудуд ёшларини туман шифохоналарига ишга жалб этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқишни талаб этади. Бундан ташқари, ташкил этилаётган тез тиббий ёрдам шохобчаларини таъмирлаш, зарур ҳудудларда бундай шохобчалар учун бинолар қуриш ҳамда автотранспорт воситалари, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласи ҳам ниҳоятда долзарб масала саналади.

Хизмат фаолиятида кузатилаётган камчиликларга тизимда автотранспорт воситалари билан боғлиқ масалалар ҳам сабаб бўлаётгани сир эмас. Хусусан, Осмонсой ва Гараша қишлоқларидаги поликлиникалар ҳамда Ўхум қишлоқ врачлик пунктида ташкил этилаётган тез тиббий ёрдам шохобчаси дори воситалари, тиббий буюмлар ва зарур жиҳозлар билан таъминланган бўлса-да, тез тиббий ёрдам машинаси йўқлиги, мавжудлари эскирганлиги туфайли шошилинч ёрдам хизмати тўлиқ йўлга қўйилган, деб бўлмайди Туман марказий шифохонасидаги шошилинч тиббий ёрдам бўлими ва унинг Қораабдол қишлоқ филиалидаги мавжуд тез тиббий ёрдам машиналари ҳам таъмирга муҳтож. Бунинг натижасида эса аҳолига ўз вақтида ва самарали тиббий ёрдам кўрсатилмаяпти.

Сессия кун тартибидаги масалалар қизғин муҳокама этилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклиф-тавсиялар ўртага ташланди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида сессия қарор қабул қилди. Унга мувофиқ, ***халқ депутатлари Фориш туман Кенгаши ҳузурида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни, дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ қилиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси ташкил этилиши белгиланди. Комиссия зиммасига тумандаги ўрганишлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида аниқланган муаммо ва камчиликларни таҳлил этиш, халқ депутатлари туман Кенгашининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги қарорлари ижросини назорат қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникалар раҳбарларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахбороти юзасидан қабул қилинган қарорларни таҳлил қилиш, ҳудудларда тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати, соғлиқни сақлаш муассасаларининг фаолияти, аҳолининг дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланиши устидан назоратни янада кучайтириш каби вазифалар юкланди.***

Туман ҳокими ўринбосарлари, тиббиёт бирлашмаси ва молия бўлими раҳбарларига ташкил этиладиган қишлоқ оилавий поликлиникалари ҳудудларда аҳоли учун арзон ва сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар сотувини йўлга қўйиш, қисқартирилаётган қишлоқ врачлик пунктлари негизида янги ниметанциялар ташкил этиш орқали қишлоқ жойлардаги тез тиббий ёрдам тармоғини кенгайтириш, қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктларида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларини хизмат уй-жойи билан таъминлаш, мазкур муассасалар раҳбарларининг ахборотини тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўшма йиғилишларида ҳар ўн беш кунда тасдиқланган жадвал асосида эшитиб бориши лозимлиги таъкидланди. Туман бандликка кўмаклашиш марказига эса бир ой муддат ичида мақбуллаштириш натижасида бўшайдиган ҚВПлар ходимларини иш билан таъминлаш, уч йилдан кам бўлмаган муддатга ишлаш учун юборилган давлат гранти асосида таълим олган тиббиёт олий муассасалари битирувчиларини қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларига ишга жойлаштириш лозимлиги қайд этилди.

Авазхон БЕГИЕВ,
Фориш тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори:

— Президентимиз томонидан жорий йилнинг 5 январь ва 7 февраль кунлари тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этишга бағишланган йиғилишларда аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб берилди. Ушбу вазифалар ижроси бўйича туманимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Сессияда ҳам айни шу масалалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, депутатлар томонидан ишимиз самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор таклифлар билдирилди. Албатта, сессиягача халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎЗМТП гуруҳи аъзолари давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда жойларда бўлиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг бугунги ҳолати билан танишди. Бу борадаги муаммоларнинг ечимини топиш, аҳоли мурожаатларига ўз вақтида қониқарли жавоб қайтариш, тиббий хизмат сифатини такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилди. Бундан мақсад туманимиз аҳолисининг тиббий-ижтимоий ҳолатини чуқур ўрганиш, инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш, аҳолининг барча қатламини замонавий тиббий-профилактика ёрдами билан тўлиқ қамраб олишдир.

Халқимизга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолини арзон дори-дармон воситалари билан таъминлашда кенг жамоатчиликнинг ўрни беқиёс. Сессияда тиббий хизмат сифатини оширишда ўз ечимини кутаётган масалалар таҳлил этилди, бу борада депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш борасидаги вазифалар хусусида фикрлашилди. Буларнинг барчаси, энг аввало, халқимизга замон талабларига мос, юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Партия гоя-мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, дастурий вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоялашда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти катта. Чунки қуйи бўғин электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, фуқаролар мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммоларни юқори партия ташкилотларига олиб чиқиш ваколатига эга. Бу, ўз навбатида, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, қуйи бўғин воситасида тегишли мутасаддилар аҳолининг мурожаатларини тингласа, унинг ечимини топишга ҳаракат қилса, бу юртимиз янада обод бўлишига, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида халқимизнинг, ёшларнинг бевосита Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий сифатли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, бунда истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар масаласида имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашиш иқтисодиёт соҳасидаги вазифа сифатида белгиланган. Учтепа туманида жойлашган "Ideal shoes" масъулияти чекланган жамият қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти мазкур мақсад-вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишга интилаётир. 2013 йилда ташкил этилган қуйи бўғин аъзолари 50 нафардан зиёд. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар ва ёшлардан иборат.

Бошланғич партия ташкилоти ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларга уйғун тарзда фаолият олиб бормоқда. Аҳолининг электорат қисми бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлашни янада кенгайтириш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб бериш, ички бозорни маҳаллийлаштириш дастури асосида сифатли маҳсулот билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

— Корхонамизда тайёрланаётган чарм пойабзал маҳсулотлари нафақат ички бозорга, балки хорижга ҳам етказиб берилаётир, — дейди "Ideal shoes" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Илёс Абдумажидов. — Ўтган йилда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида Марказий Осиё давлатларига 176 минг долларлик 170 турдаги маҳсулотни экспорт қилдик. Бу йил пойабзалдан ташқари тери-чарм маҳсулотлари, аёллар ва мактаб ўқувчилари сумкаси ҳамда аҳолининг турли қатламлари учун кенг ассортиментдаги кийим-кечаклардан иборат жами 250 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиш бўйича шартнома тузганмиз. Келгусида иш фаолиятимизни янада кенгайтириб, замонавий техника ва технологияларни жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш ниятимиз бор.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритиш борасида яратилган замонавий шароитлардан унумли фойдаланаётган корхонада жорий йил якунига қадар болалар учун ортопедик оёқ кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Натижада янги иш ўринлари барпо этилади. Бу, ўз навбатида, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

— Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялашга доир стратегик вазифаларни бажаришда партиянинг ҳудудлардаги таянчи бўлган бошланғич партия ташкилотлари ўз ўрнига эга, — деди ЎзМТДП Учтепа туман кенгаши раиси Гулнора Ваҳобова — Жойларда қонун устуворлигини таъминлаш, электоратнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлиги, партия фаоллари билан алоқани мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бошланғич партия ташкилотлари бугунги давр талабларидан келиб чиқиб аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни ўйлантираётган муаммоларга жиддий эътибор қаратиши лозим. Бунда қуйи бўғинлар туман партия кенгаши ва депутатлик гуруҳлари билан доимий ҳамкорликда электорат манфаатларига дахлдор масалалар бўйича депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланиши, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш, уларнинг мониторингини олиб бориш ишларини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратиши зарур. Бинобарин, сессиялар ва доимий комиссияларга ташаббус-масала ва таклифлар олиб чиқиш орқали маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаоллигини мунтазам ошириб боришни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Айни пайтда "Ideal shoes" МЧЖ қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни қийнаётган масалаларда ёрдам беришда муайян ишларни амалга оширмоқда. Бунда партия Учтепа туман кенгаши ҳамда ҳудуддаги "Кўркамобод" маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлик самарали йўлга қўйилган. Қуйи бўғин ташаббуси билан маҳаллада аҳоли билан учрашувлар ташкил этиш анъанага айланган. Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мухтабар Ҳусанова билан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, амалдаги қонун ва фармонларнинг мазмун-моҳиятига доир ташкил этилган юзма-юз учрашув маҳалла аҳлида катта таассурот қолдирди.

Қуйи бўғин аҳолига энг яқин ташкилот сифатида, айниқса, одамларнинг ҳуқуқий билими ва маънавиятини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутади. Шу боис унинг аъзолари мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, янги қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда ҳар қачонгидан-да фаол ва ташаббускор бўлиши, партия мақсад ва ғояларини чуқур билиши, кенг тарғиб қила олиши лозим. Партияга аъзо бўлган ҳар бир шахснинг сиёсий куч ва жараён тўғрисидаги тўлиқ тасаввур ва қарашлари айнан бошланғич ташкилотда шаклланади. Демак, аъзоларнинг қанчалик фаол бўлиши бевосита бошланғич партия ташкилоти фаолиятига боғлиқ.

Бугун бошланғич партия ташкилотларининг аралашуви ва кўмаги билан айрим маҳаллий масалаларга ўз вақтида ечим топилаётгани аҳолининг қуйи бўғинга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Бунинг натижасида ёшларнинг бўш вақтдан самарали фойдаланиши, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши, спорт билан шуғулланиши каби масалалар ижобий ечим топмоқда. 2017 йилда электорат ичига янада чуқур кириб бориш, партия дастурий мақсад-вазифаларини масъулият билан бажариш "Ideal shoes" МЧЖ қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотининг асосий вазифаси сифатида белгиланган.

Дарҳақиқат, партия ғояларини кенг ва изчил тарғиб этишда ҳеч бир бўғин бошланғич партия ташкилоти каби юқори ва самарали имкониятга эга эмас. Шу боис қуйи ташкилот ўз ваколатидан самарали фойдаланиши, эришилган натижалар билан кифояланиб қолмай, электорат манфаатларини таъминлашга қаратилган фаолиятни изчил олиб бориш талаб этилади. Ана шунда кўзланган мақсадларга эришилади, хайрихоҳлар сафи янада кенгаяди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Партия лойиҳаси — амалда

СОҒЛОМ АЁЛ — МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

ЎзМТДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ШУ МАВЗУДА ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТДИ

Мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш, оналик ва болалик муҳофазаси, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан. Бу эзгу саъй-ҳаракатлар замирида оила муҳитида янгича фикрлаш ва яшаш, порлоқ келажакни қуриш ва, албатта, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби эзгу ният ва мақсадлар мужассам.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида Бекобод туманининг Хонобод, Олмалиқ шаҳрининг Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, жамиятда хотин-қизларнинг ўрнини янада мустаҳкамлаш масаласига бағишланган "Соғлом аёл — миллат таянчи" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партия ва маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, шифокорлар, шоир ва ёзувчилар, хотин-қизлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари билан учрашув ва видеомулоқотда ҳам соғлиқни сақлаш тизимида ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган қатор вазифаларни илгари сурди, — деди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳолига бундай ёрдамнинг ўз вақтида ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш, тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони бу борадаги ислоҳотларни давр талаби ва аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб янги босқичга кўтаришда муҳим асос вазифасини ўтамоқда.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, юксак маънавиятли, комил инсонни тарбиялаш, оила қадриятларини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга кўмаклашиш устувор вазифалардан этиб белгиланган. Шу боис партия ташкилотларимиз ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда. Айниқса, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида барча даражадаги партия ташкилотлари маҳаллалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги тарғибот ишларини янада кенгайтириши талаб этилади.

Тадбирда "Соғлом авлод учун" халқаро жамоат фонди Тошкент вилоят ҳудудий филиали директори Муҳаббат Йўлдошева мамлакатимизда соғлом оилани шакллантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани, давлат ва жамоат ташкилотлари оилаларни мустаҳкамлаш, уларда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришга қаратилган кўплаб лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этаётганини таъкидлади.

— Она ва бола саломатлигига қаратилаётган эътибор келажакка эътибордир, — деди партия вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" етакчи мутахассиси Вилоят Шодиева. — Шу боис ЎзМТДП вилоят кенгашининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ёш авлодни соғлом турмуш тамойиллари асосида тарбиялаш, жамиятда соғлом оила муҳитини шакллантириш, уларда саломатлик маданиятини юксалтиришга доимий эътибор қаратишга интилмоқда. Бироқ бугунги давр, қўйилаётган талаблар бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, оналик ва болаликни муҳофаза этиш юзасидан белгиланган партия дастурий мақсад-вазифалари ижросини амалга оширишда партия фаоллари ташаббускорлигини янада кучайтиришимиз лозим. ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳам жойларда бўлиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг бугунги ҳолати билан танишмоқда. Айни шу жараёнда мавжуд муаммоларга уларнинг эътиборини қаратиш, муҳокама этиш ва уларга давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ечим топишга кўмаклашиш партия ташкилотларимизнинг бугунги кундаги асосий вазифасига айланиши зарур.

Тадбирда бугун юртимизнинг деярли барча ҳудудида перинатал ва скрининг марказлари фаолият кўрсатаётгани, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, қишлоқ врачлик пунктлари, кенг тармоқли оилавий поликлиникалар фаолиятини янги босқичга кўтариш, ҳатто, олис қишлоқларимизда ҳам оналар ва болаларга малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти яратилаётгани таъкидланди.

Мутахассисларнинг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлод тарбияси, оилада тиббий маданиятни юксалтиришга бағишланган маърузалари тингланди.

Тадбир доирасида ҳудудда истиқомат қилаётган хотин-қизлар тиббий текширувдан ўтказилди, зарур дори-дармон воситалари билан таъминланди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хориж тажрибаси

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

ЁХУД УНИ МАКТАБДА ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎҚИТИШГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИГА БИР НАЗАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрь куни кўп йиллар турли хил соҳада тадқиқотлар олиб бориб, илм-фан ва ишлаб чиқариш тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган академиклар, етакчи олимлар билан учрашувида назария ва амалиёт уйғунлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги долзарб масалалар, уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида очиқ фикрлашиб олинди.

Энг муҳими, мазкур учрашувда фан ва соҳадаги мавжуд муаммолар сабабларини аниқлаш, уларнинг оқилона ечимини излаб топишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари истиқболдаги тараққиётнинг кафолати илм аҳли ва зиёлилар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эканини эслатиб, "Агар ишлаб чиқариш ва илм-фан ҳамоҳанг бўлса, биз эллик йил кейинги ҳаётимизни тасаввур қилиб, бугун унга замин ҳозирласак, жуда катта натижага эришамиз", деб қатъий ишонч билан таъкидлади. Аслида ҳам амалиётсиз илм қуруқ назария бўлиб қолганидек, илмсиз амалиёт ҳам мақсадсиз ҳаракатдан бошқа нарса эмас. Илм-фан ва амалиёт эт-тирноқ каби уйғун ривожланса, миллат келажаги янада ёрқин ва порлоқ бўлаверади.

Мамлакатимизни 2017—2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш борасида жуда долзарб масалалар бўйича аниқ, ҳаётий ислоҳотлар, уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилди. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, ўзбек тили ва адабиёти таълимида ҳам халқаро стандартлардан миллий стратегик мақсадларимизга мосларини танлаб, изчил жорий қилиш вақти етиб келди. Бунинг учун, энг аввало, ўзбек тили ва адабиёти бўйича стандартлар ва дарсликларни қайта кўриб чиқиш зарур.

Хорижда "First language acquisition" (она тилининг ўрганилиши) ва "Second (foreign) language acquisition" (иккинчи (хорижий) тилнинг ўрганилиши) деган фан ва тадқиқот йўналишлари мавжуд. Бу соҳалар асосан инсонда тил ўрганиш асосларини тадқиқ қилади. Масалан, ёш боланинг тили қандай чиқади, унинг ўзгалар нутқини англаши, ўз хоҳиш-эҳтиёжларини баён қилиши қандай босқичлардан ўтади, тил ўрганиш жараёнига қандай омиллар таъсир қилади ва қандай қилиб бу жараённи самарали йўналтириш мумкин, она тили ва иккинчи тил (хорижий тил) ўрганишнинг принципиал фарқлари нимада — бундай қизиқ муаммолар айнан шу фанларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади.

Бу фанлар дунёнинг етакчи университетларида ўқитилади, бу бўйича докторлик диссертациялари ёқланган. Ушбу фаннинг ютуқлари она тили ва чет тилларини ўрганиш методикаларига татбиқ қилинган. Уларнинг элементлари ҳатто Британия мактабларининг юқори синф ўқув дастурларига ҳам киритилган.

Бироқ таассуфли жиҳати шундаки, ҳозиргача ўзбек тилида бу йўналиш бўйича бирон бир иш қилинмаган. Ваҳоланки, боланинг тили қандай чиқади, у тушунчаларни қандай ва қайси кетма-кетликда ўзлаштиради — бу муаммоларнинг илмий асосдаги таҳлили ва натижалари ўзбек тилини ўқитишда қўл келиши, шубҳасиз.

Мамлакатимизда мажбурий таълим ўзбек тилидан ташқари рус, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз сингари қардош халқларимиз тилларида олиб борилишини ҳисобга олсак, ўзбек тили таълимини икки йирик йўналишга бўлиш мумкин: ўзбеклар учун ўзбек тили (она тили) ва бошқа миллат вакиллари учун ўзбек тили (давлат тили).

Бугун ҳар иккала йўналишда ҳам ҳал қилиниши лозим долзарб муаммолар мавжуд. Ўзбек тилини она тили сифатида ўқитишдаги энг асосий муаммо — биз умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими битирувчиларидан тилшунос олим чиқармоқчи бўлиб уринаётганимизда. Яъни она тили таълими, асосан, она тилининг назарий қоидаларини ўргатиш билан чекланиб қолмоқда. Ўрганилаётган тил қоидаларини оғзаки ва ёзма нутқ билан уйғунлаштириш эътибордан четда қоляпти. Шунинг учун ҳам академик лицей битирувчиси аксар ҳолларда қўшимчаларнинг турларини ажратиши ёки гап турларини санаб бериши мумкин, лекин фикрини оғзаки ёки ёзма равишда изчил баён қила олмайди.

Хорижда эса она тили дарслари тилнинг грамматик қоидаларини ёдлашга эмас, асосан, нутқни ривожлантиришга қаратилади. Ўрганиладиган тил қоидалари ҳам худди шу мақсадда танланади ва тақдим қилинади. Ёзма нутқни ривожлантиришда ўқувчининг турли услубларда (бадиий, публицистик, расмий, илмий) ёза олиши муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун она тили дарслари бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилади. Масалан, қўшма гапларни ўргатишдан мақсад — уларни шунчаки ажрата олиш эмас, балки нутқда тўғри ва ўринли қўллай олиш, шу орқали етказилмоқчи бўлган фикрни аниқроқ етказиб, нутқнинг таъсирчанлигини оширишдан иборат бўлмоғи керак.

Бизда ҳам замонавий талабларга жавоб берадиган, қўшимча мультимедия воситаларига (аудио, видео) эга дарсликлар чиқариш вақти келди. Бу борада она тили бўйича CEFR (хорижий тилларни билишнинг умумевропа

компетенциялари)га асосланган янги давлат таълим стандарти лойиҳаси ишлаб чиқилгани қувонарли. Бироқ бир нарсани унутмаслик лозим: она тили ва хорижий тилни ўрганиш психологик, педагогик ва методик нуқтаи назардан ўзаро фарқланади: бир хил жараён эмас. Яъни CEFR стандартлари асосан, хорижий тиллар учун ишлаб чиқилган. Европада ҳам бу стандартлар она тилига нисбатан татбиқ қилинмайди. Масалан, инглизлар учун инглиз тили CEFR асосида ўқитилмайди ва билиш даражаси ҳам у асосида белгиланмайди. Ўзбек фарзанди мактаб ёшида ҳам ўзбек тилида китоб ўқийди, радио эшитади, кино кўради. Ўқиган, эшитган, кўрган нарсаларини бемалол тушунади. Шунинг учун хорижий тилларга мўлжаллаб яратилган CEFR стандартларини она тилига татбиқ қилмаслигимиз керак.

Бизнингча, ўзбек адабиёти таълими мазмунида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш — мураккаб ва кенг қамровли муаммолардан. Шу боис бу борада янада самарали натижаларни қўлга киритиш учун, аввало, хорижий тажриба асосида унинг илмий ва методик асосларини яратиш лозим. Бугун мактабларимизда адабиёт таълимида кўпроқ шаклга эътибор берилаётгани кузатилмоқда.

Ўзбек адабиёти таълимида мазмуний узвийликни таъминлашда табиийки, ўқув-услубий адабиётлар, дарсликлар сифатини яхшилаш, адабиёт фанидан бериладиган билимларнинг босқичлараро узлуксизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ўқувчи-талабаларнинг ёш хусусиятини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ушбу масаланинг самарали ечимлари — адабиёт фанларини интеграциялаш ва узвийликка ёрдам берадиган ўқитиш турларини аниқлашда ҳам акс этади.

Хорижда адабиёт ўқитилишининг биздан фарқ қиладиган бир қанча жиҳатлари мавжуд. Биринчиси — асарлар, ҳажмидан қатъи назар, парча ҳолида эмас, тўлиқ ўрганилади ва таҳлил қилинади. Масалан, Англия ва Америкада қўлланиладиган 10-синф адабиёт дарсликларида Шекспирнинг "Ҳамлет", "Макбет", "Юлий Цезарь" сингари асарлари тўлиқ (албатта, ҳозирги инглиз тилидаги изоҳлар билан) берилган. Яна бир қизиқ ҳолат — хориждаги адабиёт ўқитувчилари учун ягона дарслик мавжуд эмас, ўқитувчи тавсия қилинган бир неча параллел дарсликлар ичидан ўзи истаганини эркин танлаши мумкин. Бу — дарсликлар муаллифлари орасида соғлом рақобатни ривожлантириб, пировардида, дарсликлар сифатини оширишга хизмат қилади.

Иккинчи жиҳат — стандартлар ўқувчида бадиий асарни тўлиқ ўқиш кўникмасини шакллантиради. Бунда ўқитувчиларга ўқувчилар ўқиши учун тавсия қилинган муаллифлар ва асарлар рўйхати берилади. Ўқитувчи тавсия қилинган рўйхатдаги адиблар ва асарларни ўқувчиларининг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзи танлайди. Бунда ўқув йили давомида ўтилган асарлар сони муҳим роль ўйнамайди, танланган асарлар тўлиқ ўқилади ва бадиий матн атрофлича таҳлил қилинади.

Яна бир гап: хориждаги адабиёт ўқитиш методикасида бадиий матн билан ишлашнинг муайян босқичлари (асарни ўқишдан олдин, ўқиш давомида ва ўқишдан кейин) мавжуд. Ҳар бир босқичнинг ўз мақсади ва услублари бор. Ўқишдан олдинги машқлар ўқувчини асарга қизиқтириш, асар мазмунини тушунишга тайёрлашга хизмат қилса, ўқиш давомида бажариладиган машқлар бевосита бадиий матнни тушуниш — таҳлил қилишга қаратилади. Бунда асар таҳлили фақат сюжетни қайта ҳикоялаш билан чекланмайди. Ўқишдан кейинги машқлар эса асар устида чуқур мушоҳада юритиш, адабиётнинг, санъатнинг бошқа турлари, бошқа фанлар ва ўқувчи ҳаёти билан алоқасини таъминлаш, ўқувчида оғзаки ва ёзма нутқни, ижодий қобилиятни ривожлантиришга қаратилади.

Биз учун улардаги яна бир қизиқ ҳолат: адабиёт дарсликларида "асар ҳақида" деган бўлим берилмайди, балки савол ва топшириқлар воситасида ўқувчининг асарга ўз муносабати шакллантирилади. Назаримда, бугун ўзбек адабиёти таълимида адабиёт фақат адиблар ҳақидаги маълумотларни ва асар сюжетидаги деталларни эслаб қолиш билан чегараланиб қоляпти. Бунда Давлат тест марказининг ҳам "ҳиссаси" катта: "Анбар отин кимнинг жияни?", "Улоқда" ҳикоясида бош қаҳрамон туя минганмиди ёки эшак?" сингари саёз, одамнинг тафаккури ва тасаввурини юксалтирмайдиган, аксинча, бадиий диди ва савиясига занг туширадиган бундай саволлар ўқувчиларда "адабиёт, асар ўқиш, таҳлил қилиш фақат шундай икир-чикирларни эсда сақлашдан иборат" деган муносабатни шакллантирди. Бундай муносабатни ўзгартириш, ўқувчини асар устида мушоҳада юритишга қайтариш учун наинки олимлар, ижодкорлар, балки муаллимлар, зиёлилар, умуман, кенг жамоатчилик саъй-ҳаракатларини бирлаштириш керак.

Яна бир асосий масала — ўқувчилар, ёшлар бугун адабиётни фақат олий таълим муассасаларига кириш учун бўладиган тест синовларига тайёргарлик нуқтаи назаридан эмас, балки ўз тафаккури, тасаввури, диди, савияси, умуман, маънавий қарашларини юксалтириш мақсади билан ўрганишига эришиш. Чунки бадиий адабиёт одам кўнглини тарбиялайди. Бугунги мураккаб глобаллашув шароитида маънавиятимизни издан чиқариш мақсадида хориждан ўзанини йўқотган селдай оқиб келаётган зарарли ғояларга қарши фақат миллий бадиий адабиётгина миллий иммунитет ҳосил қила олиши мумкин. Чунки адабиёт кўнгилдан пайдо бўлиб, кўнгилларга сингади.

Ўзбек тили бугун дунёнинг бир қанча нуфузли олий таълим муассасаларида хорижий тил сифатида ўқитиб келинмоқда. Бу бўйича анча ишлар қилинган, ҳатто замонавий дарсликлар, ўқув қўлланмалар, аудио ва видео материаллар яратилган. Масалан, АҚШнинг ўзбек тили ўқитиладиган университетларида Нигора Азимованинг "Uzbek: Elementary Textbook" дарслигидан фойдаланилади. Ўзим ҳам АҚШдаги Колумбия университетида ўзбек тилидан дарс берганимда, шу дарсликдан асосий манба сифатида фойдаланганман.

Бу дарсликнинг эътиборли жиҳати — бутун дунёда тан олинган ва хорижий тил ўргатишда самарали усул сифатида эътироф қилинган коммуникатив тил ўқитиш (Communicative Language Teaching — CLT) тамойилларига асосланганида. Бу тамойилнинг асосий моҳияти шундан иборатки, тил — коммуникация (мулоқот) воситаси, демак, тил ўргатишда ҳам мулоқот (гапириш, ёзиш, ўқилган ва тингланган матндан ўзига керакли маълумотни топа олиш) бирламчи ҳисобланади ва тил материали (лексика ва грамматика) ҳам айнан мулоқотга хизмат қилиш учун танланади. Шунингдек, коммуникатив тил ўқитишда тил кўникмалари (тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш, ёзиш) интеграциясига алоҳида эътибор берилади ва тил иложи борича аутентик (сунъий бўлмаган, реал ҳаётдан олинган) тил материаллари асосида ўргатилади.

Дейлик, юқорида айтилган дарсликда бир машқ бор: ўқувчилар Ўзбекистон телевидениесидан ёзиб олинган об-ҳаво маълумотини эшитадилар ва қайси шаҳарда ҳаво ҳарорати неча даража бўлишини ёзиб оладилар. Кўриб турганимиздай, бундай машқда табиий, кундалик манба асосида тинглаб тушуниш ва ёзиш кўникмаси тадбиқ қилинган. Бироқ бунда бир долзарб масала борки, у ҳам бўлса, бугун бундай замонавий дарсликлар яратиш борасидаги ташаббусни ўзбек олимлари ўз қўлига олиши, керак бўлса, ўзбекистонлик ва хорижий мутахассислар, услубчилар ҳамкорлигида дарсликлар, ўқув қўлланмалари чоп қилиш лозим.

Юқорида айтилган CEFR мана шу йўналишда бизга қўл келиши мумкин: агар биз ўзбек тилини иккинчи тил ва хорижий тил сифатида ўқитишни аниқ босқичларга бўлиб, ҳар бир босқичини стандартлаштириб қўйсак, натижага эришишимиз осонроқ бўлади. Ўзбек тилини иккинчи тил ва чет тили сифатида ўрганувчилар учун тил билиш даражасини тасдиқлайдиган сертификат имтиҳонлари (IELTS, TOEFL сингари) жорий қилиш мумкин. Ахир ўзбек тили — дунёдаги энг бой тиллардан. Сўз қарз олишга унча ҳам эҳтиёжимиз йўқ. Демакки, ўзбек тилини билиш даражасини тасдиқлайдиган сертификат имтиҳонлари ташкил қилиш учун барча асосимиз бор.

Фикримизча, бундай ёндашувни Ўзбекистонда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган таълим муассасаларида давлат тилини ўқитишга ҳам жорий қилса бўлади. Эътибор беринг: рус мактабига борадиган бошқа миллат вакили бўлган ўқувчи мактабда 8 йил (2-синфдан бошлаб) ўзбек тилини ўрганади, лекин аксар ҳолларда ўзбек тилида мулоқот қила олмайди, ёза олмайди. Хориждаги бошқа миллат вакиллари бўлган талабалар эса ўзбек тилини бир-икки йил ўқиб, ўзбек тилида бемалол гаплашяпти, ўзбекча матн эшитганда ёки ўқиганда, тушуняпти, муносабатини билдира оляпти. Ваҳоланки, хорижда эмас, мамлакатимизда бошқа миллат вакиллари ўзбек тилини ўзаро мулоқотда пухта ўрганиши учун муҳит бор. Демак, ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитишни ҳам тубдан қайта кўриб чиқишимиз, бунда асосий эътиборни коммуникатив тил ўқитиш методикалари асосида ўқувчи нутқини ривожлантиришга қаратишимиз керак.

Биз ниманики ўйламайлик, бажармайлик, бунинг негизини маънавиятга боғлаб тушунадиган халқмиз. Қалбимиздаги ана шу юксак маънавий кучнинг англаниши, танланиши ва ҳаётда ўзини намоён этишига она тилимиз ва миллий адабиётимиз бетимсол қувват бахш этади. Аслида ҳам ўз ҳаётини умуммиллий қарашлар тизими асосида барпо этган, аждодлардан мерос муқаддас булоқлардан сув ичиб, томир ёзган авлодларни эса ҳеч қандай куч енголмайди.

Зулхумор МИРЗАЕВА,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети
кафедра мудири

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Истиқлол умримга умр қўшди, фарзандларим, невара-чевараларим бахту камолини кўриб яшаётганимга беҳисоб шукроналар айтаман, — дейди Тошпўлат ота. — Юртимизда ёши улуғ инсонларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча шароит яратилмоқда. Айтинг, яна қайси мамлакатда кексалар шунчалар ҳурмат-эътибор ва иззат-икромда. Маҳалла-кўй, турли ташкилотлар, ёшлар ҳолимиздан доимо хабар олиб туришади. Буларнинг бари кўнглимизни тоғдек кўтармоқда, ўзимизни яшаргандек, куч-қувватга тўлгандек ҳис қилмоқдамиз...

ЭЪЗОЗУ ЭЪТИБОРДАН МУНАВВАР ДИЛЛАР

Мустақиллик йилларида Тошпўлат отанинг меҳнатлари қадрланиб, "Жасорат", "Шухрат" медаллари, "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан тақдирланди. Отахон истиқлол шарофати билан олган бу юксак мукофотларни алоҳида эъзозлайди. Ҳар бир сўзида халқимиз эришаётган ютуқларни ҳаётий мисоллар билан тарғиб этиб, ёшларни бугунги тинч, фаровон кунларнинг қадрига етишга ундайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони ҳамда "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Бу йилги байрам "Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик" ҳамда "Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият" шиорлари остида умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётганида чуқур маъно мужассам. Зеро, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ота-боболаримиз жанг майдонларида бемисл жасорат кўрсатиб, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида жонларини қурбон қилган. Фронт ортида меҳнат қилганлар фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган. Уларнинг Ватанимиз ва халқимиз олдидаги бурчни муқаддас билгани бугунги авлод учун ҳам намуна бўлиб, ғоят оғир шароитларда кўрсатган матонати ҳамиша эъзозга муносиб.

Суҳбатимиз якунида табаррук отахон мустақиллик, тинчлик ва осойишталик халқимизнинг бебаҳо бойлиги экани, унинг қадрига етиш зарурлигини таъкидлади, юртимизга тинчлик-омонлик тилаб, дуо қилди.

— Кексайганингда фарзандлар эъзозида бўлиш бир неъмат бўлса, давлатимизнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиш янада улкан бахт экан. Юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги энг катта бойлигимиз. Бугунги тинч, фаровон кунларни жаннатга қиёсласа бўлади. Шу заминда яшаётган ҳар бир инсон бу кунларнинг қадрига етиши керак. Биз кўрган оғир кунларни ҳеч ким кўрмасин. Юртимиз доимо тинч ва обод бўлсин!

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
журналист

МММда

ЙЎЛЛАРИМИЗ ЯНАДА РАВОН БЎЛАДИ

Мамлакатимизнинг баъзи ҳудудларидаги таъмирталаб йўллар аҳоли ва транспорт ҳаракатига ноқулайликлар туғдирмоқда. Бу аҳоли ва фойдаланувчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ўтказган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, минтақавий автомобиль йўлларининг йўл қопламалари ҳолатини зарур даражага келтириш, йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 февралдаги "2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан

2017-2018 йилларда 5 минг 454 километр йўл капитал ва жорий таъмирланади, ички йўл ва кўчалар босқичма-босқич хатловдан ўтказилиб, паспортлаштирилади. Бу борадаги ишлар натижаси бўйича электрон маълумотлар базаси яратилади.

— Автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларида йўл қопламаларининг сифати ва чидамлилигини оширадиган замонавий қурилиш усуллари ва технологияларидан фойдаланилади, — дейди Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг бошқарма бошлиғи Нодир Ҳусанов. — Дастурга асосан капитал ва жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун минтақавий йўлларни таъмирлашга ихтисослаштирилган ташкилотларни 330 янги йўл техникаси билан таъминлаш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

MILLIY TIKLANISH
17 (449) 2017 йил 26 апрель, чоршанба

Бугуннинг гапи

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА ЎЗИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

...Қўшним Шаҳло опа ҳар куни ўғли Баҳодирни олиб, қаёққадир шошиб кетади. Бир куни ҳол-аҳвол сўрашгач, қизиқиб сўрадим:

— Йўл бўлсин, қўшни?

— Бугун ўғлимнинг сузиш машғулотлари бор эди. Ундан кейин инглиз тили тўгарагига борамиз. Кечқурун эртанги дарслар, машғулотларга тайёргарлик кўриш керак...

Энди 4-синфни тугатаётган Баҳодирнинг бир ҳафталик кун тартибини эшитиб, очиғи, ҳавасим келди. Айни ўрганадиган пайти болани фойдали машғулотларга жалб қилиш, қулай шарт-шароит яратиб бериш унинг келажагига қўйилган мустаҳамкам пойдевордир. Айниқса, бугунги мураккаб глобаллашув, ахборот хуружлари авж олаётган даврда фарзандларни назорат қилиш, уларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланишига имконият яратиш долзарб аҳамиятга эга. Бугун дунёнинг узоқ-яқин мамлакатларида рўй бераётган аянчли воқеалар бизни ана шундай хулосалар чиқаришга ундамоқда.

"ИНТЕРНЕТ ТЕРРОРИЗМИ" ЁКИ ЎСМИРЛАРИМИЗ БУ ХАВФДАН ХОЛИ(МИ?)

Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда — ҳам эзгулик, ҳам ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Хусусан, чегара билмас Интернет оламининг қулайликлари кун сайин ортгани билан ундан бузғунчи мақсадларда фойдаланаётганлар ҳам истаганча учрамоқда. Бугун Интернет, ижтимоий тармоқлар ёвуз кучлар қўлидаги даҳшатли қуролга айланиб қолаётгани сир эмас. Хусусан, бугун "Кўк кит" (Синий кит), "Китлар кўп" ("Море китов"), "Мени 4:20 да уйғот" ("Разбуди меня в 4:20"), "Фея", "Ф-57" ва "Ф-58", "Сокин уй" ("Тихий дом"), "Югур ёки жон бер", ("Беги или умри") каби ўз жонига қасд қилишга ундовчи ўйинлар ҳақидаги маълумотлар яшин тезлигида тарқалмоқда. Шу боис оммавий ахборот воситаларида, жойлардаги учрашув ва мулоқотларда охири ўлим билан тугаётган бу каби виртуал ўйинларнинг оқибатлари, улардан ёшларни асраш масаласи ҳақида кўп гапирилмоқда. Афсуски, ёшлигида компьютер, Интернет нималигини билмай катта бўлган ота-оналарнинг ҳаммаси ҳам бугун ижтимоий тармоқларда қандай хавф-хатарлар яширинганини тўлиқ тасаввур қила олмайди. Аммо бундай "ўлим гуруҳлари"нинг ҳаракатларини кенг жамоатчилик "Интернет терроризми" деб атаётгани айни ҳақиқат.

Мазкур хавфли виртуал ўйин, асосан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида кенг тарқалмоқда. Россия, Қирғизистон ва Қозоғистонда ушбу ўйин таъсирига тушиб қолган уч юзга яқин ўсмир ўз жонига қасд қилгани аччиқ ҳақиқат. Хўш, яқин атрофимизда болалар умрига чанг солишга уринаётган бундай хавф-хатарлардан фарзандларимиз қай даражада ҳимоя қилиняпти?

— Айни вақтда ички ишлар ходимлари пойтахтимизда балоғат ёшига етмаганлар орасида хавфли ўйинлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирларини ўтказмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи, подполковник Тўлаган Абдуллаев. — Ўсмирларнинг мобиль телефонлари ва ижтимоий тармоқдаги саҳифалари текшириляпти. Бунда шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, Халқ таълими, Ўрта махсус касбий таълим бош бошқармалари ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Пойтахтимиздаги 505 маҳаллада тушунтириш ишлари, ота-оналар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ўқувчиларнинг таълим муассасаларига мунтазам қатнашини таъминлаш мақсадида "Ўқувчи" ва "Давомат" каби рейдлар ташкил этилмоқда. Шаҳар ҳудудидаги Интернет клублари фаолияти доимий назоратда. Ўқувчилар бундай клубларда дарс вақтида ўтирган бўлса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига кўра, уларнинг ота-оналарига жарима солинади. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра, шаҳар ҳудудидаги Интернет клублари кечки соат 21:00 гача фаолият юритади. Рейдлар давомида 21:00 дан кейин ишлаётган клублар аниқланганда, тегишли чоралар кўрилаётир.

Эртамиз пойдевори, келажагимиз эгалари бўлган ёшлар тақдирига бефарқ қарамаслик, уларни мунтазам назорат қилиш — ҳар биримизнинг вазифамиз, бурчимиз. Бу борада халқ таълими тизимида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Халқ таълими вазирлигида ўқувчилар ўртасида Интернет орқали кенг тарқалаётган турли таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш юзасидан режага мувофиқ бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳикматилла Даминов. — Жумладан, умумий ўрта таълим муассасаларининг ахборот (тарбиявий, маънавият) соатларида ёшларда Интернетдан фойдаланиш маданияти бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳудудий халқ таълими бошқармаларида тарғибот гуруҳлари ташкил қилинган. Улар "каскад" усулида (яъни мазкур гуруҳ жойлардаги таълим муассасаларида худди шундай тарғибот гуруҳларини тайёрлайди) барча таълим муассасаларининг педагог-тарбиячилари ва ота-оналар ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Таълим муассасаларидаги "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлиги Жамоат кенгаши фаолиятини янада кучайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бирга ҳар пайшанба — жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кунларида умумтаълим мактабларида турли тадбирлар ташкил этилиб, ўқувчиларнинг таҳдидли ўйинлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ёшларни имкон қадар турли спорт машғулотлари, тўгараклар, мусиқа дарслари, китоб мутолааси, уй юмушлари ва бошқа фойдали машғулотлар билан банд этиш яхши натижа беради. Ота-оналар билан суҳбатлар, юзма-юз мулоқотларда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОН: МУЛОҚОТМИ Ё МУСИБАТ?

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасидан маълум қилишларича, пойтахтимизда "Кўк кит" ўйини домига тушиб қолган 31 нафар мактаб, 5 нафар касб-ҳунар коллежи ўқувчиси аниқланган. Улар билан суҳбатда психологлар жалб қилиниб, юзага келиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган. Аммо бу билан хотиржамликка берилиш, мактаб, маҳалла, ички ишлар ходимларининг олиб бораётган чора-тадбирлари етарли-ку, деб қўл қовуштириб ўтириш асло мумкин эмас.

Чунки бугун юртимизда ёшларнинг билим олиши, ҳар томонлама етук бўлиб камолга етиши учун барча имконият ва қулайликлар яратилган бир пайтда орамизда фожиали виртуал ўйинлар домига тушган ўсмирлар борлигининг ўзи эътибор ва назоратни янада кучайтириш зарурлигини англатади. Айниқса, оилада ота-оналар назоратни кучайтириши, фарзандларининг нима иш билан шуғулланаётгани, атрофида кимлар борлиги, кимлар билан дўстлашаётганига эътибор қаратиши лозим.

Яна бир гап: бугун аксарият ўсмир йигит-қизларнинг турли маъно-мантиқсиз ўйинлар, ҳар хил расм ва видеотасвирлар "ўчоғи" бўлиб қолаётган замонавий мобиль телефонлардан фойдаланаётгани ҳам ёшларимизни тўғри йўлдан чалғишига олиб келмоқда. Албатта, телефон керак. Бироқ болалар учун фақат мулоқот қилишга мўлжалланган оддий мобиль қурилмаси ҳам кифоя-ку! Бугун фарзандларига замонавий планшет ёки андроид телефонлар олиб бераётган, "отдан қолма эшагим" қабилида "қамчи уриб" ўзини кўрсатаётган айрим ота-оналар, бир кун келиб, бундай замонавий телефонлар бошига бало бўлиб қолишини билармикан?!.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги қарори билан "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланган. Унда таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулотлари ва тадбирлар (сафланиш, тарбиявий соатлар, байрам, спорт тадбирлари ва шу кабилар) бошланишидан олдин ўқувчиларнинг ўз телефонларини ўчириб, портфелига солиб қўйиши шартлиги белгилаб қўйилган. Ушбу Низом билан ўқувчиларга ўқув машғулотлари вақтида телефон орқали сўзлашиш, SMS (MMS) ва бошқа турдаги хабарларни жўнатиш, телефонни стол устига қўйиш, телефон орқали мусиқа тинглаш, сурат ва видео тасвирларни кўриш ёки кўрсатиш (ўйинлар билан шуғулланиш), суратга олиш ва видео тасвирга тушириш ҳамда бошқа (GPRS, Bluetooth, Интернет ва шу каби) хизматлардан фойдаланиш қатъиян тақиқланган. Умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланиш тартибига риоя этишлари таълим муассасаси раҳбарияти ва ўқитувчилари томонидан назорат қилиб борилиши белгиланган. Демак, маълум маънода ўсмирларнинг виртуал ўйинлар домига тушишига "беминнат хизмат қилаётган" телефонлардан таълим муассасаларида фойдаланишнинг тартиб-қоидаси мустаҳкамланган ҳуқуқий ҳужжат бор.

Халқ таълими вазирлиги вакилининг берган маълумотига кўра, бугун кўплаб таълим масканлари ўқувчи-ёшларнинг андроидсиз, оддий телефондан фойдаланиши шартлигини ўз ички тартиби сифатида белгилаб қўйган.

— Бу каби чора-тадбирларни, назоратни янада кучайтириш фойдадан холи бўлмайди, — дейди инглиз тили фан ўқитувчиси Дилсўз Зоирова. — Чунки ўзим ўсмир йигит-қизлар мактаб ёки коллежга борганида ўртоқларининг телефонларидан турли видео, расм ва ўйинларни кўчириб олиб, хоҳлаганича ўйнаб, уйга қайтишдан олдин телефонини яна "тозалаб" қўйишига гувоҳ бўлганман. Қизиқиш, ички ҳис-туйғу, фанатик тушунчалар устунлик қиладиган ўсмирлик вақтида фарзандларга оддий телефон бериб қўйиш энг маъқул йўл. Шу боис ҳам биз фарзандларимизга энг оддий мобиль телефон олиб берганмиз.

Психологларнинг фикрича, турли виртуал ўйинларнинг домига тушиб қолган аксарият ўсмирлар ўйин қаҳрамони жанг майдонида ўлиб, яна қайта тирилишига ишонади. Бу билан ўлим ҳолати улар онгида худди ўйиндек таассурот қолдиради. Шу сабабдан ҳам "Кўк кит" каби ўйинларда ўзини ўлдиришда қайта тирилиш ишончи ўсмирларда ўлим олдидаги бошқариб бўлмас дадилликни яратмоқда ёки ўлимга нисбатан бефарқликни келтириб чиқараётир.

ҚОНУНЧИЛИК НИМА ДЕЙДИ?

2016 йил 14 сентябрда имзоланган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида мамлакатимизда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими, бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Мазкур қонуннинг 5-моддасида ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, уларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётта бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш — ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгиланган. Шунингдек, ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш каби муҳим вазифалар назарда тутилган.

Бундан ташқари, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мазкур йўналишдаги фаолиятнинг асосий вазифалари сифатида белгиланган. Миллий қонунчилигимизда ёш авлодни ҳар томонлама асраб-авайлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида мустаҳамланган қоида ва меъёрлар келажагимиз эгаларининг ҳамиша эътиборда эканлигини кўрсатади. Шундай бўлса-да, бугун ахборот макони тобора кенгаяётгани, турли таҳдид ва хуружлар авж олаётгани ёшларимизни турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш асосларини янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

— Бугун ахборот маконидаги қулайликлар одамлар, айниқса, ёшларга бир томондан замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиш имконини бераётган бўлса, иккинчи томондан уларнинг ҳаёти ва ижтимоий фаоллигига салбий таъсир кўрсатмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шерзод Тўхташев. — Айниқса, "ўлим гуруҳлари" томонидан тақдим этилаётган турли виртуал ўйинлар ўсмирларимиз ҳаётига хавф солаётгани, уларни турли уйдирмалар билан қўрқитиб, ўз жонига қасд қилишга ундаётгани ҳаммамизни огоҳликка чорлайди. Шу ўринда айтиш жоиз, бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида айни пайтда миллий қонунчилигимизга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда. Ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва унга оғдириш ҳолатлари сонини камайтириш, жиноий-ҳуқуқий чора-тадбирлар орқали фуқароларнинг ҳаётини янада самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасига кўра, Жиноят кодексининг 103-моддаси 1-қисмида озодликдан маҳрум этиш жазо муддатини ошириш йўли билан ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказганлик учун жазо чорасини кучайтириш, иккинчи қисмида эса оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган жиноятлар учун қаттиқ турдаги жазо чораларини кучайтириш ва ўзини-ўзи ўлдиришга оғдирганлик учун жавобгарлик назарда тутилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, ушбу тоифадаги жиноят ишларининг камайишига хизмат қилади.

Бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, Хитой, Япония, Эстония ва Туркия давлатлари жиноят қонунчилигида ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказганлик учун 10 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Бундан ташқари, айни кунларда Россия Федерацияси қонунчилигига ҳам ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказганлик учун жазо чорасини киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Бош қомусимиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб, шундай деган эди: "Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз".

Дарҳақиқат, ёшларимизни ёт ғоялар, мафкуравий таҳдид ва "оммавий маданият"нинг салбий таъсирига қарши кураша оладиган инсонлар этиб тарбиялашда уларни шонли ўтмишимиз, аждодларимизнинг илмий, маънавий, маданий меросидан баҳраманд қилиб бориш долзарб аҳамиятга эга. Бу борада ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур меҳр-ҳурмат, эҳтиром уйғотишга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифалар белгиланган.

Ёш авлодни турли таҳдид ва хавф-хатарлардан асраб-авайлашда ёшлар ичига кириб бориб, уларга дўст тутиниш, муаммоларини ўрганиш, назоратни канда қилмаслик бугунги давр талабидир. Маҳоламиз бошида тилга олинган Шаҳло опа сингари фарзандларимизни фойдали машғулотлар билан банд қилиш, уларда спорт, санъат, илм-фанга меҳр уйғотиш, айниқса, эътиборга молик.

Боланинг бегонаси бўлмайди. Ёшлар, ўсмирлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган турли кўнгилсизликлар, хавф-хатарлар барчамизга дахлдор. Шундай экан, ҳушёрлик, огоҳлик ва эътибор кундалик аъмолимизга айланиши лозим.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Миллий ғурур

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бунинг ҳаётий самараларини Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг 3-босқич талабаси Султонбек Эркинов фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

У 2015 йили "Телефон орқали бошқариладиган робот" номли ихтироси билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Юрт келажаги" кўрик-танловида ғолиб бўлган эди. Бу йил техника оламига илк қадам қўяётган, ихтироларга қизиқувчи болажонлар учун ақлни чархлайдиган "Deviser", яъни "Ихтиро" деб номланган тизим яратди.

— Бу лойиҳада 123 элемент жойлаштирилган бўлиб, болалар унинг воситасида светофор, "ақлли чироқ", электрон пианино, ўрдак овози, электрон қўриқчи каби йигирмадан зиёд ҳаракатланувчи жисмларни, схемаларни йиғса бўлади, — дейди Султонбек Эркинов. — Доцент Эркин Ўлжаев раҳбарлик қилаётган университет қошидаги Микропроцессорли интеллектуал тизимлар тўгарагида тайёрланган бу иш уч босқични ўз ичига олади. Лойиҳанинг мақсади — болаларнинг техникага қизиқишини ошириш. Унга кўра, бола даставвал электр конструктор орқали энг оддий электрон схемалардан тортиб мураккабларигача тузишни ўрганади. Кейин дастурлаш жараёнларини ўзлаштиради ва учинчи босқичда микроконтроллар орқали ўзи ихтиро қилган роботни ёки ҳаракатланувчи жисмларни бошқариши мумкин. Мазкур тўгарак бизга билдирилган юксак ишончни оқлаш, она юртимизнинг тараққиёти, буюк аждодларимизга муносиб издош бўлишдек мақсадимизнинг амалга ошишида муҳим ўрин тутади.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда ёшларнинг ўз иқтидорини барча соҳада намоён этиши учун кенг имконият яратиб берилган. Бу каби инновацион ғоялар, технология ва лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши эса жамиятни ривожлантиради.

— Университетнинг ихтисослаштирилган кафедралари негизида қирқдан ортиқ инновация гуруҳлари ташкил этилган, саноат корхоналари билан корпоратив ҳамкорлик тўғрисида юздан зиёд шартнома имзоланган, — дейди университетнинг иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими мудири Шавқиддин Зулпонов. — Бугун фаолият кўрсатаётган 39 фан тўгараги, "Ихтирочи ёшлар мактаби" ҳамда "Ёшларнинг инновацион ғоялари" марказида ёш изланувчилар замонавий дастурлар ўрнатилган компьютерлар воситасида нефть-газ, геология-қидирув ва бошқа йўналишлардаги илмий тадқиқот ишларини олиб боради ва шу асосда амалий таклиф-тавсиялар тайёрлайди. Бу жараёнда уларга профессор-ўқитувчилар яқиндан кўмак бермоқда. "Ихтирочи ёшлар мактаби"да яратган янги лойиҳаси учун буюртма бериш, ҳимоя қилиш, патент олиш, муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланиш ва ихтиросини кенг жамоатчиликка етказиш борасида маълумотлар олиш имконияти мавжуд.

Султонбек — энг тиришқоқ, билимли талабаларимиздан. Бугун у талай ишланмаларни ҳаётга татбиқ қилиш борасида иш олиб бормоқда. Ўйлайманки, у албатта билдирилган ишончли оқлайди. Мақсадимиз — иқтидорли ёшларни излаб топиш, улар салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдан иборат. Ёш олимларнинг ўз қобилиятларини намоён этиши учун яратилаётган имкониятлар, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига муносиб ҳисса қўшишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳа, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг иқтидорли талабаларини илмий тадқиқотлар ва лойиҳа-технологик вазифаларни ҳал этишга жалб қилиш стратегияси мутахассислар малакасини сифат жиҳатидан юксалтиришда ўз самарасини бермоқда. Мақсад сари интилувчан ва билимдон ёшлар Ўзбекистон илм-фани келажагини яратмоқда. Зеро, пухта билим, мустақил фикр, қатъий мақсад эртанги кунимиз эгаларининг салоҳиятини намоён этади.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

ЎРМОН — ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Ўрмонлар экологик мувозанатни бир меъёрда сақлаб, атрофни тоза ҳаво билан узлуксиз таъминлайди. Қум барханлари кўчишининг, сув ва шамол эрозиясининг олдини олиб, дарё ва сув ўзанлари қирғоқларини мустаҳкамлаб туради. Қолаверса, у Ер сайёрасининг нисбатан энг кўп биохилма-хилликка эга экотизимларидан бири бўлиб, унда қуруқликдаги ҳайвонот ва наботот турларининг 80 фоизи яшайди.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра қуруқликнинг 30,6 фоизи, яъни салкам 4 миллиард гектарини ўрмон эгаллаган. Унинг 93 фоизи табиий ўрмонлардир. Ўрмонлар инсониятни озиқ-овқат, дори-дармон, ёқилғи билан таъминлайди. Ер юзидаги ўрмон ёғочининг тахминан 50 фоизи овқат пишириш, турар-жойларни иситиш ҳамда электр энергияси ишлаб чиқаришга сарфланмоқда. Қолаверса, у дунё бўйича 1,6 миллиардлан зиёд аҳолининг даромад манбаи саналади.

Маълумотларга қараганда, бир йилда бир гектар ўрмон ҳаводаги 20-25 тонна турли заҳарли газни ютиб, 15-18 тонна кислород чиқаради. Бундан ташқари, ўрмонлар инсон саломатлиги учун зарур фитонцидлар (ўсимликдан чиқадиган бактерияларни йўқотадиган модда) манбаидир: бир гектар япроқли ўрмон бир кунда 2 килограмм, нина баргли ўрмон эса 30 килограммгача фитонцид ишлаб чиқаради. Бугун ўрмонларнинг 70 фоизга яқини Россия, Канада ва Бразилия ҳудудларида жойлашган.

Ўрмонларнинг сайёрамиз экологик барқарорлигини таъминлашдаги ўрни ҳисобга олиниб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ташаббуси билан 21 март санаси Халқаро ўрмон куни сифатида белгиланган. Бундан мақсад — одамларга ўрмонларнинг сайёрамиз экотизимида тутган ўрнини, атроф-муҳит, хусусан, дарахтларга эҳтиёткорлик билан муомалада бўлишни тарғиб этишдан иборат.

Бу йилги Халқаро ўрмон куни "Ўрмон ва энергия" шиори остида ўтказилди.

Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки ўрмондан олинадиган ёғоч — дунёда қайта тикланадиган энергиянинг асосий манбаи. Африка қитъасининг умумий энергияга бўлган эҳтиёжининг 27, Лотин Америкаси ҳамда Кариб ҳавзасида 13, Осиё ва Океанияда 5 фоизи ёғоч ҳисобига таъминланмоқда. Ўрмонлар энергия ишлаб чиқариш борасида бошқа манбалар — қуёш, гидроэлектрстанция ва шамол энергиясини ортда қолдирмоқда. Ишлаб чиқарилаётган қайта тикланувчи энергиянинг 40 фоизи ёғоч ҳиссасига тўғри келмоқда. Ёғоч нафақат ёқилғи, барқарор ривожланиш манбаи, қолаверса, иқлим ўзгаришига қарши курашиш воситаси ҳамдир.

Сўнгги қирқ йилда дунёда ўрмон майдонларининг жон бошига улуши 50 фоизга — 1,2 гектардан 0,6 гектарга қисқарган. Ўрмонлар гарчи ўтган асрнинг 90-йилларида йилига ўртача 7,3 миллион гектар, 2000-2015 йилларда эса 3,3 миллион гектарга камайган бўлса-да, бироқ бу масала ҳамон дунё жамоатчилигини ташвишга солаётган долзарб муаммолигича қолмоқда. Чунки бугун глобал исишга сабаб бўлаётган бўғхона газлари ташланмаларининг 12-20 фоизи ўрмонларнинг қисқариши билан бевосита боғлиқ.

Таассуфки, бугун дарахтларнинг ноқонуний, қишлоқ хўжалиги ерларини кенгайтириш ёки чорва учун яйлов ташкил этиш мақсадида кесиб ташланаётгани ўрмонларнинг қисқаришига сабаб бўлмоқда. Аслида инсоният қадим замонлардан бошлаб ер ўзлаштириш, хусусан, қишлоқ хўжалигини юритиш, чорва боқиш ёки ёғоч олиш учун ўрмондан фойдаланган. Кейинчалик турли инфратузилма (шаҳар, йўл)ни яратиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш эҳтиёжи кенг дарахтзорларнинг нобуд бўлишига олиб келган.

Ўрмонзорларнинг қисқаришига нафақат одамлар, балки дарахтларнинг касалликка учраши, иқлим ўзгариши, кислотали ёмғирлар ҳам сабаб бўлмоқда. Ўрмонларнинг қисқариши сайёрамиз экологик барқарорлигини издан чиқаради, иқлим ўзгаришларини юзага келтиради, иқтисодий муаммоларга сабаб бўлади. Қолаверса, у биохилма-хилликнинг камайиши, тупроқ эрозияси, дарёлар сув сатҳининг пасайиши, атмосферага карбонат ангидриднинг чиқиши ҳисобига бўғхона эффектини кучайтиради.

Маълумки, дарахт илдизи воситасида ер ости сувидан тўйинади. Сув унинг барглари томон йўналиб, буғланади. Ўрмонлар камайса мазкур жараён ҳам сусаяди. Оқибатда иқлим ўзгаради, қурғоқчилик кузатилади. Ўрмонларнинг қисқариши нафақат атмосферага зарар етказади, балки тупроқнинг ёмғир сувини ўзида ушлаб туриш хусусиятига ҳам таъсир этади. Океанлардаги намлик материклар томон чуқурроқ кириб боришини, дарёлар, ерости сувлари ва ботқоқликларнинг бир маромда бўлишини ўрмонлар таъминлайди. Уларнинг қисқариши тупроқнинг бирикишини камайтириб, эрозияни юзага чиқаради, жарликларнинг кенгайишига, бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалиги ерларининг яроқсизланишига олиб келади, биохилма-хилликка таъсир этади.

Сўнгги 25 йилда ўрмонларнинг қисқариши билан боғлиқ нохуш ҳолат, асосан, сайёрамизнинг тропик иқлим ҳукм сурадиган ҳудудларида қайд этилмоқда. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида Амазонка дарёси ҳавзаси минтақасида ўрмонларнинг қисқариши чорва учун яйлов ташкил этиш, соя (дуккакли ўсимликлардан бири) етиштириш, ёғ олинадиган пальмаларнинг кўп экилиши билан боғлиқ. Жанубий-шарқий Осиёда эса ёғ олинадиган пальма плантацияларининг кенгайиши ҳисобига қисқармоқда.

Ўтган асрнинг 80-йилларида тропик ўрмонлар 9,2 миллион, 1990-2000 йилларда 8,6 миллион гектарга қисқарган. Мисол учун, Нигерияда 1900-2005 йилларда қадимий ўрмонлар 81 фоизга камайган. 1950 йилдан бошлаб Марказий Америкада тропик ўрмонларнинг учдан икки қисми яйловларга айлантирилган. Айни пайтда Бразилиянинг Рондония штатидаги (майдони 243 минг квадрат километр) ўрмонзорларнинг ярми қисқарган. Мексика, Ҳиндистон, Филиппин, Индонезия, Таиланд, Мьянма, Малайзия, Бангладеш, Хитой, Шри-Ланка, Лаос, Конго, Либерия, Гвинея, Кот д'Ивуар каби мамлакатлар ҳам ўрмон захирасининг катта қисмини бой берган. 2001-2014 йилларда ўрмонзорлар Бразилияда 38,34, Канадада 30,63, АҚШда эса 28,94 миллион гектарга камайган.

Ачинарлиси, ёнғинлар ҳам ердаги табиий муҳитнинг асосий манбаи бўлган ўрмонларнинг йил сайин қисқаришига сабаб бўлмоқда. Ўрмон ёнғинлари табиий ва антропоген омиллар туфайли юзага келади. Табиий омилларга чақмоқ чақиши, метеорит тушиши, торф маъданининг ёниши, вулқон отилиши киради. Ўрмон ёнғинларининг саккиз фоизи чақмоқ чақишидан келиб чиқади. Чақмоқ туфайли ёнғин келиб чиқиш хавфи қуриб қолган ёки асосан, қари дарахтлардан иборат бўлган ҳудудларда юқори бўлади. Чунки бундай ўрмонларда намгарчилик миқдори кам.

Дунёнинг турли минтақасида содир бўлаётган ўрмон ёнғинлари оқибатида экология, иқтисодиёт ва инсон саломатлигига катта зиён етмоқда. Ўрмонлардаги турли дарахтларнинг кесилиши биосферадаги барқарор мувозанат ҳолатини издан чиқариб, экологик ҳалокат хавфини кучайтирмоқда. Янги ерларни ўзлаштириш, ёнғинлар оқибатида атроф-муҳит ифлосланиши ўнлаб турдаги ўсимликларнинг ном-нишонсиз йўқолиб кетишига олиб келмоқда.

Биламизки, ҳар бир жонзот, ўсимлик ва дарахтнинг табиатда ўз ўрни ҳамда вазифаси бор. Шундай экан, табиатнинг бебаҳо ва беминнат бойлиги бўлган ўрмонлар, унда яшовчи ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асраб-авайлаш инсоният олдидаги долзарб ҳамда кечиктириб бўлмас вазифадир.

Рангин дунё

Амстердам шаҳридаги "Амстердам-Арена" — Европадаги энг замонавий ва муҳташам спорт иншоотларидан бири, "беш юлдузли" стадион. Бу ерда "Аякс" жамоасининг мезбон сифатидаги ўйинлари, баъзан мамлакат терма жамоаси учрашувлари ўтказилади.

МУҲТАШАМ ЎЙИНГОҲ

ТОМИ 520 ТОННА БЎЛИБ, 18 СОНИЯДА ОЧИЛИБ-ЁПИЛАДИ

Стадион қурилиши тарихи ўзига хос. 1992 йилги Олимпия ўйинларини ўтказиш учун Европа қитъасидан даъвогар сифатида олти шаҳар қаторида Амстердам ҳам танлаб олинади. Шу муносабат билан 1986 йилда янги ўйингоҳ лойиҳаси ишлаб чиқилади. Уни шаҳарнинг Страндвлита туманида бунёд этиш мўлжалланади. Бироқ Олимпиадага мезбонлик қилиш ҳуқуқини Испаниянинг Барселона шаҳри қўлга киритганидан сўнг шаҳар ҳокимияти стадион қуриш режасини бекор қилади. Айни шу пайт, аниқроғи 1987 йилда "Амстердам Спорт Сити Фонд" бирлашмаси тузилиб, 55 минг кишига мўлжалланган замонавий ўйингоҳ қуриш ташаббусини илгари суради. Аслида "Аякс" клуби учун ҳам янги стадион зарур эди. Боиси жамоага тегишли "Де Мер" ўйингоҳи нуфузли халқаро ўйинларни ўтказиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолганди.

1992 йилда спорт иншоотини қуриш учун ҳар томонлама қулай жой қидиришга киришилади. 1993 йилда шаҳар ҳокимияти стадион қурилишига рухсат бериб, махсус жой ажратади. Қурилиш ишлари 1993 йилнинг 26 ноябрида бошланди. Уч йилдан сўнг — 1996 йилнинг 14 августида "Амстердам-Арена" ўйингоҳининг расмий очилиш маросими ўтказилади.

Қизиғи, спорт иншоотининг очилишидан саккиз кун олдин мамлакат шаҳарлари бўйлаб пойга ўтказилди. 1,4 минг километр масофада ўтказилган пойганинг ҳар бир босқичида 375 киши иштирок этди. Югуришни "Де Мер" стадионидан старт олган нидерландиялик футбол афсонаси Йохан Кройф бошлаб беради. Пойганинг охирги босқичини эса яна бир футбол юлдузи Франк Райкард босиб ўтади ва у янги стадионга кириб келади...

Спорт мажмуасини бунёд этиш учун 140 миллион доллар сарфланди. Унинг ёпиладиган томи майдон чимининг яхши ривожланишига халақит бергани сабабли том ёпилганда қуёш нури яшил майдонга тушмайди. Шу боис уни бир йилда тўрт маротаба алмаштиришга тўғри келди. Ўйингоҳ томининг оғирлиги 520 тонна бўлиб, 18 сонияда очилиб-ёпилиши мумкин. Стадион 51 минг 600 ўринли бўлиб, концерт пайтида унинг ўриндиқларини 68 мингтагача ошириш имкони бор. Ўйингоҳ томошагоҳлари остида 500 автомобиль жойлашади. Унинг ёнида жойлашган автотураргоҳга эса тахминан 12 мингта машина сиғади. Ўйингоҳда "Аякс" футбол жамоаси тарихи музейи фаолият юритади.

Стадиондаги илк ўйин ўртоқлик учрашуви доирасида "Аякс" ҳамда Италиянинг "Милан" жамоалари ўртасида ўтказилиб, унда меҳмонлар 0:3 ҳисобида ғалаба қозонди. Деян Савичевич ўйингоҳдаги илк голга муаллифлик қилади. Мазкур стадионда 1997-1998 йилги Европа чемпионлар лигаси финалида Мадриднинг "Реал" ҳамда Туриннинг "Ювентус" жамоалари ўртасида ўйин ўтказилган. Бундан ташқари, футбол бўйича 2000 йилги Европа чемпионати мусобақаси ўйинлари бўлиб ўтган. 2013 йилда эса Португалиянинг "Бенфика" ҳамда Англиянинг "Челси" жамоалари ўртасида Европа лигаси мусобақасининг финал учрашувига мезбонлик қилган.

Мазкур спорт кошонасида концертлар ҳам ўтказиб турилади. Жумладан, ўйингоҳда ўз вақтида Тина Тёрнер, Майкл Жексон, Селин Дион, Жорж Майкл, Дэвид Боуи, Робби Уильямс, Андре Хазес, Жастин Тимберлейк сингари машҳур хонандалар концерт берган. 2005 йилга қадар ҳар йили "Амстердам-Арена"да нуфузли "Sensation" мусиқа фестивали ўтказиб келинган.

КЕМАЛАР ҚАТНОВИ УЧУН ТУННЕЛЬ ҚУРИЛАДИ

Норвегия расман "Stad Ship Tunnel" номли, узунлиги 1,7 километрли кемалар қатновига мўлжалланган дунёдаги энг узун туннель қурилишини маълум қилди. Бу ҳақда "techcult.ru" хабар тарқатган.

Туннель мамлакатнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган тоғли ярим оролда бунёд этилади. Унинг баландлиги — 37, эни — 26,5 метр бўлиши режалаштирилган. Қиймати 312 миллион долларлик лойиҳани амалга

ошириш воситасида мамлакатнинг шамол энг кўп эсадиган, тўлқинлар кўтариладиган ҳудудида кемалар хавфсизлигини таъминлаш имкони яратилади.

Қурилиш ишларини 2019 йилда бошлаш, 2023 йилдан бошлаб унда кемалар қатновини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Туннелдан бир кеча-кундузда турли кўламдаги юзтагача кема ўтиб-қайтиш имконияти бўлади. Лойиҳа ижрочиларининг айтишича, туннелни қуриш учун тахминан 3 миллион куб метр тоғ қояларини ўйишга тўғри келади.

УЧАР АВТОМОБИЛЬ

Германиянинг "Lilium Aviation" компанияси ишлаб чиқарган икки ўриндиқли учар автомобилнинг синови муваффақиятли ўтди, деб ёзади "auto.bigmir.net".

Қирқдан зиёд дизайнер, муҳандис ҳамда ҳаваскорлардан иборат халқаро жамоа "The Lilium Jet" номли ушбу машина лойҳаси устида бир неча йил иш олиб борди. Ушбу транспорт воситаси соатига 300 километр тезликда уча олади. Унинг қанотлари узунлиги 10 метр бўлиб, 36 реактив двигатель билан жиҳозланган. Автомобилни ишлаб чиқаришда йўловчилар хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Лойиҳа муаллифларининг айтишича, учар автомобиль кам энергия сарфлайди. Дастлаб машинани одамлар бошқариши режалаштирилмоқда. Бироқ яқин келажакда уни учувчисиз таксига айлантириш мумкин. Компания яқин орада 5 йўловчига мўлжалланган учар электрокар яратишни ҳам режалаштирган.

"The Lilium Jet" автомобили парашют ва парвознинг хавфсизлигини таъминловчи "Flight Envelope Protection" тизими билан таъминланган.

КЕКСАЛАРГА "ҒАМХЎР" РОБОТ

Итлар ёлғиз кексалар учун яқин ҳамроҳ бўла олиши исботланган. Бироқ уларни ўз вақтида овқатлантириш ва чўмилтириш ҳам зарур. Шеффилд университети мутахассислари кекса инсонлар учун ит шаклида махсус ишлаб чиқарган "MiRo" роботи ана шундай юмушлардан халос этиши мумкин, дейилади "bykvu.com" сайтида.

Турли ҳисоблагичлар билан таъминланган "ит"-робот ўзини яхши ҳис қилаётганини билдириш учун думини ликкиллата олади. Кўзига ўрнатилган махсус камералар воситасида одамларни таниб, уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатади. Сунъий интеллектга эга мазкур робот уйда яқин кўмакчига айлана олади, ҳатто фавқулодда вазият юз берган тақдирда бу ҳақда уй эгаларини огоҳ этади.

Лойиҳа муаллифларининг айтишича, яқин келажакда одамларнинг ҳис-туйғуларини англайдиган, уларга ҳамдард бўла оладиган бундан-да такомиллашган ижтимоий роботлар ишлаб чиқарилади.

Робот 2,8 минг долларга баҳоланмоқда.

"АҚЛЛИ" ТАСМА

Британиялик тадқиқотчилар жароҳатларнинг битиш жараёнини назорат қилувчи "ақлли" тасма (тананинг жароҳатланган қисмига тақиб қўйиладиган махсус камар) ишлаб чиқарди, дея хабар тарқатган "The Telegraph" нашри.

Мутахассислар янги тиббиёт воситаси кейинги йилдан бошлаб бозорга чиқарилишига умид қилмоқда. Янги боғлаш воситаси қоннинг ивиш жараёнини кузатиш, инфекцияларни аниқлаш ва маълумотларни тезкорлик билан шифокорга етказиш хусусиятига эга сенсорлар билан таъминланган.

Тасма 3D-принтерлар ёрдамида ишлаб чиқарилади. У келгуси 12 ой давомида Суонси университетида синовдан ўтказилади. Бундан ташқари, янги технологиядан оммавий фойдаланиш учун уни ҳамёнбоп нархда бўлишига эришиш талаб этилади.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади

Ҳунармандларимиз

ТЎРТ УНСУР-ЛА СИРЛАШИБ...

Кулолчилик — лойдан мўъжизакор гўзаллик яратган энг қадимий санъат намунаси. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки ана шу тупроқ замирида саховат, ҳалоллик, фаровонлик, тўкинлик, ризқ-рўз, эзгулик ва гўзаллик мужассам. Ўзбек кулолчилиги узоқ тарихга, анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услубга эга. Мамлакатимизда кўплаб кулолчилик мактаб ва марказлари мавжуд. Мустақиллик йилларида бир неча юз йиллик тарихга эга Касби кулолчилик мактаби янада ривожланди. Бу ерда машҳур кулоллар ишини давом эттираётган оилалар кўп.

Касбилик уста кулол Бозор бобо Итолмасов ана шу ўлмас анъананинг муносиб давомчиси саналади. Унинг хонадони барча фаслда гавжум. Айниқса, вилоятга келган сайёҳ борки, ҳунарманднинг ижод намуналаридан бахраманд бўлмай кетмайди.

— Лойдан ясалган турли-туман буюмларни кўрганда, уларнинг бежиримлигидан ҳайратга тушамиз, — дейди уста. — Бу кулолнинг ўз меҳнати, ишига бўлган меҳрининг самараси. Ҳозир фарзандларим, шогирдларим шундай буюмлар ясаётганини кўриб, қувонаман. Бобом ҳам моҳир кулол бўлган, шу сабаб болалагим лой ўйнаш, ундан турли буюмлар ясаш билан ўтган. Аввалига бобом мендан кулол чиқишига ишонмади: "бўлсанг, зўр уста бўл, йўқса, бу ҳунарни қўй, болам", деди. Аммо аҳдимда қаттиқ турдим. Бобом ва дадам устоз бўлди: кичиклигимдан рўзғор буюмлари ясай бошладим. Бобом жуда қаттиққўл эди. Бирор хато қилсам, ясаган буюмимни ҳали қотмай туриб синдириб ташларди. "Ясаган буюмингдан одамлар наф кўриб,

сени алқасин" дерди. Бугун бобомнинг панд-насиҳатларини мен фарзандларим, набираларим қулоғига қуяман...

Уста "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлгач, ижоди-ишига янада барака кирди. Маҳсулотларини турли кўргазмаларда намойиш этиш, қатор танловларда қатнашиш имконига эга бўлди.

Етмиш икки ёшни қоралаётган Бозор бобо ҳамон ўзи лой тепади. Улардан ўзига хос санъат намуналари, кулолчилик буюмлари ясайди. Бу оилада кулоллик санъати сирларини авлодларга ўргатиш яхши анъанага айланган. Икки ўғли Тўйчи ва Қаҳрамон Итолмасовлар ҳам ота-боболари касбини танлаган. 16 ёшли набираси Асилбек ҳам уларга издош.

— Кулоллик нозик касб. У инсондан юксак дид, қунт ва сабр-тоқат талаб этади, — дейди Асилбек. — Ота-боболарим каби сопол буюмлар ясаш, уларга ранг ва безак беришдек қадимий анъаналарни давом эттириб, жаҳонга кенг тарғиб этиш ниятидаман.

Ота-боболаримизнинг унут бўлиб кетаёзган сопол буюмларни қўлда ясаш анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш, оддий лойдан санъат асари яратиш кишидан қунт, сабр-тоқат ва синчковлик талаб этади. Чунки бир кўринишда оддий туюлган нафис сопол буюм лой тайёрлашдан махсус хумдонда пишгунига қадар бир қанча босқичдан ўтади.

— Ҳар бир ишнинг ўзига яраша машаққати бор, — дейди уста. — Кулолчиликда асосий хомашё — лой: у сифатли бўлса, қанча яхши пишитилса, сопол буюмлар ҳам сифатли бўлади, ҳам ўзига хос кўриниши, жилоси билан ажралиб туради. Кулол чархида идишларга шакл беришда эринмаслиги керак. Бу мураккаб жараёнда бор фантазия, қобилият ва тажриба ишга солинади. Бугун юртимизда миллий ҳунармандлик билан шуғулланиш, уни янада ривожлантириш учун барча шароит бор. Оилавий ҳунармандчилик корхоналари солиқлардан озод қилинган, қатор имтиёзлар берилган. Натижада уй шароитида амалий санъат буюмларини ишлаб чиқараётган усталар сафи тобора кенгаймоқда Биз ҳам ҳам бу имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, оилавий корхонамиз фаолият кўламини кенгайтириб келаётирмиз. Меҳнатимиз маҳсули — турли рўзғор буюмлари, миллий қаҳрамонлар ҳайкалчалари, шамдон ва қаламдонларимиз ўз харидорларини топмоқда. "Устоз-шогирд" анъанаси асосида ўнлаб шогирдлар тайёрладик. Ҳунар ва санъатни ўзида мужассам этган бу соҳа нафақат моддий жиҳатдан, балки миллийлиги, маънавий, тарбиявий аҳамияти билан ҳам қадрли.

Меҳнат инсонни улуғлайди, деганларидек, ҳунарманд-уста ўз кулолчилик намуналарини вилоят ва республика миқёсидаги қатор кўргазмаларда намойиш қилиб келмоқда. Ҳар йили Наврўз ва халқ сайллари, турли тантана ва байрамлар, ярмаркаларда кулолнинг маҳсулотлари энг сара намуналар сифатида ажралиб туради.

Илоҳийликка йўғрилган тўрт унсур — тупроқ, сув, ҳаво ва олов билан сирлашиб, ўзбек кулолчилик мактаби ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Бозор Итолмасов сингари қўли гул ҳунармандларнинг меҳнатига халқимиз ҳамиша муносиб баҳо берган ва ардоқлаган. Шу боис ҳам боболардан фарзандларга, фарзандлардан набираларга мерос бўлиб келаётган, ота-боболаримиз ардоқлаган бебаҳо ҳунармандчилик асрлар оша яшаб келмоқда.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тиббий маслаҳат

ҚЎЗИҚОРИН ФОЙДАЛИ, БИРОҚ...

Қўзиқорининг 100 мингдан ортиқ тури маълум. Мамлакатимиз ҳудудида унинг 200 га яқин нави ўсади. Шундан 20 га яқини истеъмол учун яроқли ҳисобланади.

Қўзиқорин ўзига хос таъми ва ифори билан ажралиб туради. Парҳезшунослар уни "ўрмон гўшти" деб аташи бежиз эмас. Чунки уни истеъмол қилганда очлик ҳисси тез йўқолади. Халқ табобатида қўзиқориндан бир қанча хасталикларни даволашда фойдаланилади. Моҳир ошпазлар эса ундан ажойиб таом ва салатлар тайёрлайди.

Истеъмол қилиш мумкин бўлган ва заҳарли қўзиқоринларни фарқлаш жуда қийин. Чунки улар бир-бирига жуда ўхшайди. Инсон истеъмол қилиши мумкин бўлган қўзиқоринларга оқ қўзиқорин, қизил қўзиқорин, шампиньон ва тунка замбуруғи киради. Заҳарли қўзиқоринларга қизил ва кулранг мухамор, сатанин, сариқ сохта қўзиқорин ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Қўзиқорин оқсил, фосфор ва калцийга бой. Қўзиқоринлар таркибидаги аминокислоталар ақлий фаоллик ва хотирага яхши таъсир қилиб, атероскелороз ривожланишининг олдини олади. "В" гуруҳи

витаминлари асаб тизимининг меъёрий ишлашига ёрдам бериб, соч, тирноқ, тери ҳолатини яхшилайди. Унинг таркибидаги микроэлементлар модда алмашинуви жараёнига ижобий таъсир этиб, юрак-қон томир касалликлари хавфини камайтиради, вирусли инфекцияларга тўсқинлик қилади. Бета-глюкан иммун тизимига ижобий таъсир кўрсатади. PP витамини (никотин кислотаси, ниатсин) қон ҳосил бўлиш жараёнида муҳим рол ўйнаб, қон томири деворларини мустаҳкамлайди.

Қўзиқорин қондаги холестерин миқдорини ҳам камайтиради. У, шунингдек, қандли диабет билан оғриган кишиларга фойдали. Чунки унинг таркибида ёғ жуда оз миқдорда бўлиб, холестерин учрамайди. Атероскелероз, юрак-қон томир касалликлари, ортиқча вазн, қон босими ошганида ҳам истеъмол қилиш тавсия этилади.

Қўзиқоринниг заҳарли билан заҳарсизини фарқлаш жуда муҳим. Заҳарли қўзиқорин инсон организмини заҳарлаб, кўп зиён етказиши мумкин. Шу билан бирга, автомагистраль йўл ёқаси, кимёвий моддалар сақланадиган омборхоналарнинг теварак-атрофида ўсадиган истеъмолга яроқли қўзиқоринлардан ҳам эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки қўзиқоринлар автоуловлардан чиқадиган ис гази ва заҳарли моддаларни ўзига тез сингдириб олади.

Қўзиқорин бодринг, карам ва помидор билан тановул қилинса, ошқозон бузилади, қоринда дам ҳосил бўлади. Шу боис уни фақат пиширилган сабзавотлар билан бирга истеъмол қилиш тавсия этилади. Қўзиқоринни ҳаддан зиёд кўп ейиш сурункали панкреатит (ошқозон ости безининг ялиғланиши) касаллигининг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Реклама

ТАДБИРКОРЛИККА ҚАДАМ "АСАКА" БАНК БИЛАН!

БИЗНЕСИНГИЗ УЧУН 20 ДАН ОРТИҚ ЙЎНАЛИШЛАРГА МИКРОКРЕДИТЛАР

ASAKA BANK

ЧОРВАЧИЛИК
ҚУЁНЧИЛИК
ПАРРАНДАЧИЛИК
УЗУМЧИЛИК
САБЗАВОТЧИЛИК
БОҒДОРЧИЛИК
ИХЧАМ ИССИҚХОНА
АСАЛАРИЧИЛИК
НОННОЙХОНА
ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ
МИЛЛИЙ ШИРИНЛИКЛАР
БАЛИҚЧИЛИК
ҲУНАРМАНДЧИЛИК
КАСАНАЧИЛИК
МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
АВТОМОБИЛЛАРНИ ЮВИШ ШАХОБЧАЛАРИ
АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТЛАР
ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ
КОМПЬЮТЕР ХИЗМАТЛАРИ
ТИКУВЧИЛИК
ПОЙАБЗАЛ ТУЗАТИШ
САРТАРОШХОНА ВА ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ
КИМЁВИЙ ТОЗАЛАШ ХИЗМАТИ

(+99871) 120 13 51 | 120 26 37 | 120 26 40

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

"АСАКА" БАНК – ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ!

Кўрик-танлов

СОЛИҚ БИЛИМДОНЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

Шу кунларда мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Солиқ билимлари — болаларга!" республика кўрик-танлови бўлиб ўтмоқда.

Давлат солиқ қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда таълим муассасаларининг ноиқтисодий йўналишларида солиққа оид билимларни ўқитиш бўйича махсус ўқув дастури ишлаб чиққан. Унга мувофиқ, Олий таълим муассасалари талабалари учун "Солиқ ва солиққа тортиш" махсус ўқув қўлланмаси тайёрланди.

Касб-ҳунар коллежлари профессор-ўқитувчилари ва ўқувчилари учун ишлаб чиқилган "Тадбиркорлик ва бизнес асослари" ўқув қўлланмасига "Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тартиби" деб номланувчи махсус боб киритилди. Бундан ташқари, мактабларнинг 1–4-синф ўқувчилари учун "Иқтисод ва солиқ алифбоси", 5–7-синфларга "Иқтисод ва солиқ сабоқлари", 8–9-синф ўқувчилари учун "Солиққа тортиш асослари" бўйича махсус ўқув дарсликлари яратилган.

Ёшларда солиққа оид кўникмаларни шакллантиришда ҳар йили анъанавий тарзда уч боқичда ўтказиб келинаётган "Солиқ билимлари — болаларга!" республика кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда. Танлов доирасида ўқувчи-ёшларнинг давлат солиқ хизмати органлари ходимлари билан бевосита мулоқотлари ташкил этиляпти. Учрашувларда ёшлар ўзларини қизиқтирган масала ва саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олиб, солиққа оид билимларини янада бойитиш имконига эга бўлишмоқда. Шу билан бирга мазкур танлов иштирокчи ёшларнинг тенгдошлари билан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш майдонига айланмоқда.

Танлов шартларига кўра, мактаб ўқувчилари солиқ тўғрисидаги ўз тушунчаларини расмлар орқали акс эттириш, солиқ мавзусини ҳикояларда ифодалаш, академик лицей ва коллежлар ўқувчилари "Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати" мавзусида иншо ёзиш ҳамда "Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади?" мавзусида компьютер тақдимоти шартлари бўйича ўзаро баҳслашдилар.

Ғолиблар мамлакат босқичига йўл олди.

Камолиддин ҲОТАМОВ,
Давлат солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати
бош мутахассиси

Эълон!

Тошкент давлат аграр университети томонидан 2010 йилда Кенжаев Ойбек Олимжонович номига берилган № 500065-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ҳамда партия Марказий кенгаши фракция аъзоси Назир Собировга отаси

Нажмиддин отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САЙДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 416, Адади — 8505. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Дилфуза РЎЗИЕВА
Навбатчи: Аҳмад ЮСУПОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 21.47. Топширилди — 23.15.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345